Ушбу сонда:
3 ВАТАН МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК
4 БУ ЙЎЛЛАР ЎЗБЕКНИНГ ШОНИ
8 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 27 август, шанба № 140-141 (1982)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



## МДҲНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 26 август куни Россия Федерацияси Татаристон Республикаси пойтахти - Қозон шаҳрига жўнаб кетди.***

МДҲ ҳақида гап кетганда, унинг Ҳамдўстликка кирувчи мустақил давлатлар тарихида тутган ўрни салмоқли эканини таъкидламоқ керак. Лекин МДҲ фаолиятини бугунги кун талаби даражасида дейиш қийин. Ҳамдўстлик доирасида олиб борилган музокаралар, қабул қилинган ҳужжатларнинг амалий натижаси кам бўлмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситаларига интервью берар экан, сўнгги вақтларда МДҲ керакми, йўқми, деган саволлар пайдо бўлаётганини таъкидлади.

Фараз қилинг, МДҲ тарқатиб юборилса, бу аъзо давлатлар келажаги учун қандай таъсир кўрсатиши мумкин, деди Ислом Каримов.

Лоақал масаланинг иқтисодий томонини олайлик. Бирорта давлат фақат ўз қобиғига ўралган ҳолда иқтисодий тараққиётга эриша олмайди. Жаҳонда глобаллашув жараёнлари кечаётганини унутмайлик.

Бундан ташқари, МДҲ доирасида йўлга қўйилган алоқалар, қабул қилинган қатор шартномалар бор. Бугунги давр, жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳам МДҲнинг керак эканини тақозо этмоқда, деди Президентимиз. Зеро, Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ўзаро алоқаларни давом эттиришга ҳаракат қилмоқда. Бундай ҳаракатларни янада жонлантириш, МДҲ фаолиятини бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ислоҳ қилиш керак.

Ҳамдўстликни ташкил этишдан кўзланган мақсад ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ривожлантириш эди. МДҲ саммитларида, Ўзбекистон Президенти кўп бор таъкидлаганидек, иқтисодий эмас, кўпинча сиёсий ва ҳарбий масалалар устувор бўлиб келди. Шу боис қабул қилинган қарорларнинг аксарияти тўла ишламаяпти.

Бу галги саммитда асосан МДҲни ислоҳ этиш ва унинг органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, аъзо давлатлар ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, қатор халқаро ва минтақавий масалаларни муҳокама этиш кўзда тутилган.

Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси Татаристон Республикаси пойтахти - Қозон шаҳрининг 1000 йиллигига бағишланган расмий тадбирларда ҳам иштирок этади.

**Ф.АРЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

***ҚОЗОН. (26 август. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Татаристон Республикасининг пойтахти Қозон шаҳрига келди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг саммити Ҳамдўстлик Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлиси билан бошланди. Унда асосий эътибор МДҲни ислоҳ қилиш ва унинг органлари фаолиятини такомиллаштириш масаласига қаратилди. Президентлар хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муаммолари, Ҳамдўстлик мамлакатларида кечаётган жараёнлар юзасидан фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида бу масалаларнинг муҳокамаси давом этди. Шунингдек, МДҲ мамлакатларининг гуманитар ҳамкорлиги тўғрисидаги битим лойиҳаси кўриб чиқилди. Бу ҳужжат маданият, таълим, илм-фан, ахборот ва оммавий коммуникациялар, спорт, сайёҳлик ва ёшлар билан ишлаш соҳаларида алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

МДҲнинг навбатдаги саммитини Минскда ўтказишга келишиб олинди.

Музокаралардан сўнг Президент Ислом Каримов Қозон Кремлига борди, «Қул Шариф» масжидини зиёрат қилди.

Президент Ислом Каримов Қозон шаҳрининг 1000 йиллигига бағишланган расмий тантаналарда иштирок этди.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

**2005 йил 26 августда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси бўлди.**

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти мажлис кун тартибига киритиляган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Тасдиқланган кун тартибига мувофиқ, Сенат учинчи ялпи мажлисининг иши Қашқадарё вилоятидан сайланган бир гуруҳ сенаторларнинг Хонобод шаҳарчаси яқинидаги аэродромда жойлашган АҚШ қуролли кучлари контингентини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ масала юзасидан мурожаатномасини кўриб чиқишдан бошланди.

Бу масала муҳокамасида сенаторлардан Н.Зайниев, С.Сафоев, Э.Воҳидов, М.Рустамбоев, А.Адилов, Ҳ.Ортиқбоева, П.Зиётов, М.Болтабоева, Б.Йўлдошев, Р.Валиева, В.Кучеров, С.Одилхўжаева, А.Султонов, Б.Убайдуллаев, В.Пак ва Ё.Фаттоев сўзга чиқдилар. Улар шуни таъкидладиларки, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари контингентига Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ҳукуматлари томонидан 2001 йил 7 октябрда имзоланган Битимга мувофиқ, халқаро терроризмга қарши кураш бўйича антитеррор коалиция доирасида Афғонистон ҳудудида фақат жанговар ҳаракатлар амалга оширилиши даврида қидирув-қутқарув тадбирлари ҳамда гуманитар ёрдам операциялари ўтказиш учун «Хонобод» аэродромидан фойдаланиш имкони берилган эди. Ўзбекистон тарафининг бу қадами, сенаторлар қайд этганидек, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликка бўлаётган таҳдидларга қарши курашга, Ўзбекистон чегараларига, аҳолисининг хавфсизлиги ва осойишталигига бевосита таҳдид солаётган қўшни Афғонистон ҳудудида жойлашган халқаро терроризм базалари ва полигонларини йўқотиш ишига ўз улушини қўшишга бўлган интилиш тақозоси эди. Ўзбекистон раҳбариятининг минтақавий ва халқаро хавфсизликка таҳдид манбаларига қарши курашда халқаро ҳамжамиятнинг ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бундай дадил қарори жаҳон жамоатчилигининг кенг эътирофига сазовор бўлди.

Сенаторлар шуни таъкидлаб ўтдиларки, Афғонистон ҳудудида фаол жанговар ҳаракатлар тугалланганлиги муносабати билан АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг «Хонобод» аэродромидан фойдаланиши ўз мазмун-моҳиятини йўқотди. Шу билан бирга, Ўзбекистон томони Битим бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўла-тўкис адо этганлиги ҳам сенаторлар томонидан айтиб ўтилди. Айни вақтда Америка томони инфратузилмани барпо этиш, объектни муҳофаза қилиш, атроф муҳитга, аэродром яқинида яшаётган аҳолига етказилган талафот ва зарарларнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ ҳеч қандай моддий харажатлар қилгани йўқ. Шу муносабат билан Хонобод шаҳарчаси, Қарши шаҳри ва умуман Қашқадарё вилоятида яшовчи фуқаролардан «Хонобод» аэродромининг АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари контингенти томонидан фойдаланилиши туман экологиясига салбий таъсир кўрсатаётганидан, бу жойда яшаётганларга анчагина моддий зарар етказаётганидан, америкалик аскарлар келгунга қадар бу ерда аҳоли фойдаланиб келган шароитлар сезиларли даражада ёмонлашганлигидан мунтазам равишда кўплаб шикоят ва аризалар тушмоқда.

(Давоми 3-бетда)

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, транспорт ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПАХТАКОР»**

**Шарипова Мавжуда Адизовна** - Қизилтепа туманидаги «Мавжуда» фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

**Култўраев Нортожи Холбоевич** - Қизириқ туманидаги «Қорағосмоқ» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМИ»**

**Абатов Оринбой Калихович** - Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази директорининг ўринбосари

**Ботиров Акрам Кўкламович** - Жондор туманидаги Т.Ҳотамов номли очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг пудратчиси, Бухоро вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПИЛЛАЧИ»**

**Сотимова Эътибор Самиевна** - Чуст туманидаги Навоий номли ширкат хўжалигининг пиллачиси, Наманган вилояти

**Йўлдошева Бўтахон** - Асака туманидаги Ғулом Ёқубов номли ширкат хўжалигининг пиллачиси, Андижон вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»**

**Назаров Бахтиёр Абдурауфович** - «ЎзДЭУавто» ёпиқ акциядорлик жамиятининг бўлим бошлиғи

**Саримсоқов Маҳамаджон** - «Фарғонаазот» очиқ акциядорлик жамиятининг электролиз аппаратчиси

**Тожиев Собитжон** - «В.П.Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятининг чилангари

**Шишкин Борис Борисович** - Навоий кон-металлургия комбинати 5-кон бошқармасининг бош муҳандиси, Бухоро вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»**

**Жамолов Алиқул Мавлонович** - «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти «Толлимаржонқурилиш» шўъба корхонасининг участка бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»**

**Коломейцев Игорь Валентинович** - «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг учувчилар отряди командири ўринбосари

**Ражабов Нўъмон Омонович** - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 214-темир йўл машина станциясининг йўл созловчиси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИРРИГАТОР»**

**Рўзметов Гулмат Отамуродович** - «Шовот-Қуловот» ирригация тизими бошқармасининг канал гидротехниги, Хоразм вилояти

**Самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Агаликов Муҳиддин Насриддинович** - Наманган вилояти кўз касалликлари шифохонасининг бош врачи

**Аҳмедов Баҳодир Нормўминович** - «Шўртангазкимё» мажмуаси болалар спорт маркази бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Аҳмедова Зувайдахон** - Марғилон шаҳридаги «Янги боғ» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фарғона вилояти

**Бахиев Амин** - Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими биоэкология институтининг директори

**Жумаев Тўхтамурод Муртозаевич** - Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернатининг директори, Бухоро вилояти

**Қоратоев Икром Тошпўлатович** - Сайхунобод туманидаги Қ. Мирзаев номли фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Матрасулов Шихназар** - Хоразм «Маъмун» академиясининг етакчи илмий ходими

**Менгноров Мамадамин** - Шўрчи туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактаби директори, Сурхондарё вилояти

**Норов Иброҳим Норович** - «Маҳалла» жамғармасининг Навоий вилояти бўлими оқсоқоллар Кенгаши аъзоси

**Ҳайитов Тоштемир Жумаевич** - Каттақўрғон туманидаги Ж. Ҳайитов номли фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Шоабдураҳимов Шоиноят** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман)нинг Тошкент шаҳридаги минтақавий вакили

**Эшпўлатов Бекпўлат** - «Нуроний» жамғармасининг Арнасой туман бўлими раиси, Жиззах вилояти

**Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, маданий юксалишига ўзининг истеъдоди, билим ва тажрибаси билан муносиб ҳисса қўшган, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда халқ фаровонлигини оширишда фидойилик намуналарини кўрсатганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:**

(Давоми 2-3-бетларда)

### *31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни*

## «УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ...»

***Ҳар гал «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуига қадам қўйишим билан беихтиёр хаёлимга Умар Хайёмнинг:***

***Тупроққа авайлаб қадамингни қўй,***
***Бу тупроқ қора кўз бир нигор эди,***

деган сатрлари ёдга келади. Зиёратгоҳга ташриф буюрган ҳар бир кишининг хаёлидан шундай фикрлар ўтиши табиий. Негаки, ўтмишда алвасти кўприк номини олган бу хилватгоҳ кўп мудҳиш воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Бу ерда юзлаб, минглаб ватанпарвар, миллатпарвар аждодларимиз минг азоб уқубатда ўлдирилган. Бу ҳақда Президентимиз шундай деган эдилар: «Зулм ва зўравонликка қурилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллат қадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга ва бошқаришга қодир бўлган, маънавият ва маърифат йўлида фидойилик кўрсатган кўплаб ақл-заковат соҳибларининг жасадлари мана шу тепалик ва жарликларда ном-нишонсиз қолиб кетган».

Миллатимиз фидойиларига атаб барпо этилган бу манзил шу сабабдан биз учун, авлодларимиз учун муборак зиёратгоҳдир. Унга келган ҳар бир кишининг қалбида тарихий хотира уйғонади. Инсон хотираси эса абадий. Халқ ўзининг тарихий хотираси билан қудратли, енгилмас ҳисобланади. Негаки, хотира аждодлар босиб ўтган тарихий йўл. У бизнинг ҳам қисматимиз, келажагимиз билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам хотира инсонни руҳий бедорликка ундаб туради. Ўтганларни хотирлаш халқимизга хос фазилат. Шу боис бугун улуғларимиз, миллат дея, халқ озодлиги дея азиз жонларини фидо қилган аждодларимизнинг хотираси олдида халқимиз бош эгиб, уларнинг муқаддас зиёратгоҳларига талпинмоқда. Тарих сабоқлари эса уларни ҳушёрликка чорлайди. Зиёратгоҳнинг ўзига хос бебаҳо хусусияти шундаки, у инсонга ўзлигидан сабоқ беради. Донолар айтганидек, биз тарихни қанчалик яхши билсак, келажак сари ҳаракатимиз шунчалик дадил ва залворли бўлади.

Халқимиз Озодликнинг бугунги ойдин йўлига осонликча етиб келмаган. Бу йўлда қанча қонлар тўкилган, элпарвар, бағрикенг, саховатпеша боболаримиз номига «босмачи», «босқинчи», «халқ душмани», «қулоқ» каби тавқи-лаънатлар осилган.

Қатағон туфайли мингминглаб оддий одамлар, бегуноҳ инсонлар ҳам асоссиз равишда қурбон бўлган. Мустабид сиёсат уларни уй-жойидан, оиласидан, ота-онасидан, фарзандларидан айирган. Бундан ташқари, уларнинг яқинлари, оила аъзоларининг боши кулфатдан чиқмаган. Халқ душманининг оила аъзоси деган тавқи-лаънат бўйниларига илинган. Бундай тамға ёпиштирилганлар ҳар қандай ҳуқуқдан маҳрум этилган, ҳар қадамда хўрланган. Улардан барча ўзини олиб қочган.

(Давоми 4-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Сенатининг БАЁНОТИ

***Ўзбекистон Республикасининг Сенати Ўзбекистон Ҳукумати билан АҚШ Ҳукумати номидан 2001 йил 7 октябрда имзоланган Битимга мувофиқ АҚШга бериб турилган «Хонобод» /Қарши/ аэродромидан бу мамлакатнинг фойдаланиши муддатлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама этиб қуйидагиларни таъкидлайди.***

Мазкур Битим, унинг 2 ва 18-моддаларида таъкидланганидек, АҚШ Ҳукуматига халқаро терроризмга қарши кураш бўйича антитеррор коалиция доирасида АҚШнинг Афғонистон ҳудудида жанговар ҳаракатлар ўтказиши даврида қидирув-қутқарув тадбирлари ҳамда гуманитар ёрдам кўрсатиш операциялари учун «Хонобод» аэродромидан фойдаланиш имкони берилган эди. Ва бир неча бор таъкиддаб ўтилганидек, Битим амал қилишининг дастлабки муддати бир йилни ташкил этган бўлиб, у тарафлардан бири битимнинг амал қилишини тугатиш ҳақида 180 кун олдин ёзма равишда хабардор этмагунга қадар ўз кучини сақлаб қолишда давом этиб келган.

(Давоми 3-бетда)

## ТЕРРОРЧИЛАРНИ «ТИНЧ НАМОЙИШЧИЛАР» ДЕЙИШ МУМКИНМИ?

***Кейинги пайтда ғарб мамлакатларининг айрим сиёсатчилари ва оммавий ахборот воситалари Андижон воқеаларининг иштирокчилари тинч намойишчилар эди ва улар қурол ишлатмаган, деган фикрни қайта-қайта таъкидламоқда.***

Ваҳоланки, Андижондаги қонли фожеанинг ташкилотчиси, ҳозирги пайтда қидирувда бўлган Қобул Парпиевнинг шу йил 1 августда Канаданинг «Глоуб энд мейл» газетасида босилган интервьюси бунинг тамомила аксини кўрсатиб турибди. Тергов материалларига кўра, у 13 май куни эгаллаб олинган Андижон вилояти ҳокимлиги биносидан туриб террорчиларга раҳбарлик қилган, уларни жиноий ҳаракатларга рағбатлантирган. Террорчилар раҳбари Ўзбекистоннинг қонуний ҳукуматига қарши қўлда қурол билан бундан кейин ҳам курашишга тайёрлигини билдириб, шундай дейди: «Бизнинг сўнгги сўзимиз «террор», шу йўл билан одамлар қалбига қўрқув солишимиз керак».

Чет эл матбуотида террорчи Шокировлар оиласи ҳақида ҳам хабарлар пайдо бўлди. Улар Қирғизистон ҳудудида яшириниб юрганлиги, қочқин мақомини олиш йўлларини қидираётганлиги ёзилган. Шокировлар ўзи ким?

Оила бошлиғи - Баҳром Шокиров, 1941 йилда туғилган, муқаддам 2 марта судланган, Андижон шаҳрида 12-13 май кунлари амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари штабининг аъзоси. Ўзи ва 5 нафар ўғли 1995 йилдан буён «Акромийлар» диний-экстремистик ташкилотига аъзо. Уларнинг барчаси Андижон воқеаларида фаол иштирок этган. Бир ўғли ҳуқуқ-тартибот органлари билан отишмада ўлдирилган. Иккинчиси қамоққа олинган. Ота ва уч ўғил қидирувда.

Тергов материалларидан маълум бўлишича, Баҳром Шокиров ва унинг ўғиллари Шариф, Ҳасан ва Ҳусан жиноий гуруҳнинг бошқа аъзолари билан бирга 2005 йилнинг январь-апрель ойларида Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳри яқинидаги Теке қишлоғида жойлашган, ҳозирда қаровсиз ҳарбий машқлар марказида чет эллик инструкторлар раҳбарлигида портлаш мосламаларини тайёрлаш ва уларни қўллаш, жанговар ҳаракатлар олиб бориш, қўл жанги ва шарқ якка кураш усулларини ўрганган.

Мазкур фактлар Андижон воқеалари олдиндан пухта режалаштирилганлигини ва мавжуд конституциявий тузумни қуролли йўл билан ўзгартиришга қаратилганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

**Ўзбекистон Бош прокуратураси матбуот хизмати**

## БИЗГА БАҲОНАЛАР КЕРАК ЭМАС...

***Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлисида «Хонобод» аэродромида жойлашган АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари контингентини Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши ҳақидаги масала муҳокама этилганини газеталардан ўқиб билдим.***

*Муносабат*

Бир неча йил муқаддам Афғонистон ҳудудида антитеррор ҳаракатини олиб боришга кўмаклашиш мақсадида мазкур аэродромдан бу ҳарбий кучларга вақтинчалик жой берилган эди. Энди уларга эҳтиёж қолмади. Ўзаро келишувдаги муддат тугади. АҚШ маъмурияти келишувдаги талабни турли баҳонаю важ билан пайсалга солиб келаётгани таажжублидир. Ваҳоланки, АҚШ қуролли кучлари контингентини «Хонобод» аэродромидан олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ масала кеча ёки бугун эмас, 2002 йилда кўтарилган. Бу ҳақда Сенат Кенгаши йиғилишида аниқ айтилди.

Аэродром атрофида юзага келган экологик вазият нафақат Қашқадарё вилояти аҳолиси, балки бутун республикамиз аҳлини ташвишга солмоқда. Негаки, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли оғир самолётларнинг учиб-қўниши атроф-муҳитга, табиатга, аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мажлисда таъкидланганидек, бирон-бир ҳудудда ҳарбий база пайдо бўлса, унга қарши бўлган, уни йўқ қилишга қаратилган кучлар ҳам пайдо бўлиши тайин. Шу боис Марказий Осиёда жойлашган ҳарбий базалар қанча кам бўлса - минтақамиз, ҳудудимиз шунчалик тинч-осойишта бўлади.

Тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик эса ҳар бир онанинг энг эзгу тилагидир. Шу боис халқимиз баҳоналарни эмас, амалий ишни кутади.

**Насиба САИДАҲМЕДОВА,**
**болалар шифокори,**
**Тошкент шаҳри.**
**(ЎзА)**

# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг***
***ФАРМОНИ***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда)

**«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдалниязов Бахтиёр Алимович** - Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш марказининг Хоразм вилояти филиали раҳбари

**Алламбергенов Аминбой Муратович** - Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Қорақалпоқ радиотелевидение узатиш маркази антенначи-мачтачиси

**Ортиқов Мамади** - Жомбой туманидаги «Қора ариқ» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Жўраев Тўлаган Тошпўлатович** - «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси «Шўртангазкимё» мажмуасининг бош муҳандиси

**Йўлдашев Басманкул Тожиевич** - Ширин шаҳридаги «Фарҳод» гидроэлектростанциясининг чилангари, Сирдарё вилояти

**Камбур Иван Филиппович** - Пахтакор туманидаги «Сангзорбулоқ» масъулияти чекланган жамияти бош механиги, Жиззах вилояти

**Кўчқоров Чори Шаропович** - Пешку туманидаги «Машина-трактор парки» давлат акциядорлик жамиятининг комбайн оператори, Бухоро вилояти

**Ли Альберт Семёнович**- Қувасой шаҳридаги «Кварц» акциядорлик жамиятининг бош муҳандиси, Фарғона вилояти

**Мадёров Абдураҳим Абдураҳмонович** - Мингбулоқ туманидаги Й. Охунбобоев номли ирригация тизими бошқармасининг экскаваторчиси, Наманган вилояти

**Мўминов Эшқуввват Жумаевич** - «Косон машина-трактор парки» давлат акциядорлик жамиятининг механизатори, Қашқадарё вилояти

**Рисқимов Соттибой** - Бўстонлиқ туманидаги «ЧорбоғГРЭСқурилиш» бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Тошкент вилояти

**Холлиева Менгал** - Ангор туманидаги «Баҳодир» фермер хўжалигининг ишчиси, Сурхондарё вилояти

**Холманова Дилором** - Хатирчи туманидаги Э.Абдиев номли ширкат хўжалигининг механизатори, Навоий вилояти

**Юсупов Абдулла Аъзамович** - «Кўприкқурилиштрести» давлат унитар корхонасининг 13-отряди бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Қодиров Ҳалимжон** - Олтинкўл туманидаги А. Навоий номли ширкат хўжалигининг пудратчиси, Андижон вилояти

**Республикамизнинг саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жаҳон андозалари асосида юксалтириш, фан-техника ютуқлари ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдиев Абат Антаевич** - Томди туманидаги «Жанашаруа» ширкат хўжалигининг ферма мудири, Навоий вилояти

**Абдуллаева Шарбат Зулпиқоровна** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси

**Обидов Босит Козимович** - Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение марказининг техник директори

**Адилматов Деҳқонбой Адилматович** - «Ўзпахтамаш» акциядорлик жамиятининг чилангари, Тошкент шаҳри

**Аллаберганов Сапарбой** - Янгибозор туманидаги «Хоразм» муқобил машина-трактор парки механизатори, Хоразм вилояти

**Аҳмедова Дилором Хушвақтовна** - Китоб туманидаги «Марҳабо» масъулияти чекланган жамияти тикувчиси, Қашқадарё вилояти

**Бахромов Исахон Носирович** - Ангор туманидаги «Саидносирхон» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Бердиқулов Асатулла Ҳасанович** - Сардоба туманидаги А.Қодирий номли фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Иброҳимов Ғуломжон Иномович** - «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

**Иминов Бахтиёр Мирзажонович** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси

**Кенжаев Икром** - Қибрай туманидаги «Тошкентиссиқликэлектрстанцияқурилиш» шўъба корхонасининг монтажчиси, Тошкент вилояти

**Мамбетов Исматулла** - Чимбой тумани ўрмон хўжалигининг тракторчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Маҳмудов Раҳим** - Пайариқ тумани йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш корхонасининг автогрейдерчиси, Самарқанд вилояти

**Муратов Владимир Зекиряевич** - Янгийўл туманидаги «Уфқ» фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

**Набиев Шабон Шодиевич** - Қизилтепа тумани ҳокими, Навоий вилояти

**Назиров Орифжон Халимович** - «Ўзтемирйўлмаштаъмир» корхонаси Андижон механика заводи шўъба корхонасининг цех бошлиғи

**Нишонов Юсибжон Нишонович** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

**Норбоев Алитош Жумаевич** - Пахтачи туманидаги «Қарнаб ота» ширкат хўжалигининг бош чўпони, Самарқанд вилояти

**Парпиев Ботир Раҳматович** - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси

**Рўзиев Маҳаммади** - «Нуроний» жамғармасининг Қашқадарё вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидаги жамоатчилик маркази раиси

**Собиров Илгизар Матёқубович** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

**Сангинов Абдуғани Абдураҳмонович** - Сариосиё туманидаги «ТўпалангсувГЭСқурилиш» масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси, Сурхондарё вилояти

**Соатова Ақида Содиқовна** - Жиззах шаҳридаги «Зилола-текс» акциядорлик жамиятининг цех технологи, Жиззах вилояти

**Сумонов Абдупатто** - Бувайда туманидаги «Янги-қадам» ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Фарғона вилояти

**Ҳакимов Хондамир Маъруфович** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

**Ҳамидова Гулчехра** - «Бухоротурист» ҳиссадорлик жамиятининг ҳамроҳ-таржимонлар шўъбаси мудири

**Худойқулов Ҳасан Рўзиевич** - «Ўзпаравтотранс» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли 1-автоколоннанинг автокранчиси, Бухоро вилояти

**Чоршанбиев Жума Чоршанбиевич** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси

**Шалимов Бакиржон Ёдгорович** - Ёзёвон тумани ҳокими, Фарғона вилояти

**Йўлдошев Асқар Кўчқорович** - «Тошкентметрополитени» давлат унитар корхонаси «Ўзбекистон» электрдепосининг машинисти

**Қушаев Бозор** - Қоракўл туманидаги Ё.Сафаров номли ширкат хўжалигининг механизатори, Бухоро вилояти

**Кукламов Шерқул** - «Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўъба корхонасининг бульдозерчиси, Қашқадарё вилояти

**Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдаги катта хизматлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ва бошқарув идораларидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати билан юртимиз тараққиётига қўшган самарали ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдирашидов Аҳрор Норматович** - Олмалиқ кон-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг цех бошлиғи

**Абдураҳмонов Опаринжон Абдухалилович** - Фарғона туманидаги «Чимён-Форум» ишлаб чиқариш фирмасининг раҳбари, Фарғона вилояти

**Акрамов Раҳим** - «Нуроний» жамғармасининг Наманган вилояти бўлими раиси

**Алиева Зухра Кавлановна** - Юнусобод туманидаги «Асбобсоз» очиқ акциядорлик жамиятининг ишчиси, Тошкент шаҳри

**Аристанбеков Жонибек Жалиевич** - Учқудуқ туманидаги «Авангард» ширкат хўжалигининг бош чўпони, Навоий вилояти

**Бобомуродова Анора Ёвқочтиевна** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

**Быстрова Любовь Владимировна** - «Янгиерйўлиндустрия» корхонасининг бетон қуйиш бўлими оператори, Сирдарё вилояти

**Жалилова Мансурахон** - Қуйи Чирчиқ туманидаги «Мустақиллик» пахта тозалаш заводи акциядорлик жамиятининг ишчиси, Тошкент вилояти

**Жумабоев Атҳам Сахиевич** - Шайхонтоҳур тумани ҳокими, Тошкент шаҳри

**Иброҳимов Ахмет Мамутович** - Тўрткўл тумани ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси

**Иброҳимов Хайрулла Файзуллаевич** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси котиби

**Иномов Раҳмат Нигматович** - «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг цех бошлиғи ўринбосари

**Исмоилов Сапо** - «Хоразмқурилиш» очиқ акциядорлик жамиятининг 3-Урганч филиали ғишт терувчиси

**Келимбердиева Айсулу** - Шуманай тумани телекоммуникация тармоқлари корхонасининг муҳандиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Кеченов Сергей Иванович** - «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси «Автомагистрал» автомобиль йўллари қуриш-таъмирлаш бирлашмаси бошқаруви раиси ўринбосари

**Ким Андрей Петрович** - Бектемир туманидаги «Сувмаш» заводи очиқ акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш цехи бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Когай Лев** - «Самарқандгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонасининг «Каттақўрғоншаҳаргаз» филиали ишчиси

**Кольцов Виктор Николаевич** - Навоий кон-металлургия комбинатининг бош маркшейдери, Навоий вилояти

**Литвинов Николай Михайлович** - Ангрен шаҳридаги «Ангрен иссиқлик электр станцияси» турбина цехининг машинисти, Тошкент вилояти

**Мирбаротова Мавжуда** - Сирдарё вилояти тадбиркор ва ишбилармон аёллар уюшмасининг раиси

**Мишин Алексей Дмитриевич** - «Давуруғназорат» марказининг бош мутахассиси, Жиззах вилояти

**Муратбаев Амангелди Абилханович** - Пешку туманидаги «Жонгелди» ширкат хўжалигининг чўпони, Бухоро вилояти

**Ниёзова Жамила Абдуқодировна** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси

**Нурматов Тошпўлат** - Кармана туманидаги «Намозбобо» фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

**Одилова Сабоҳатхон Абдиваҳобовна** - Косонсой туманидаги «Дилшод» фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

**Раҳмонов Зариф** - Бойсун туманидаги «256-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма» масъулияти чекланган жамияти раиси, Сурхондарё вилояти

**Ревенков Олег Петрович** - «Тахиатош иссиқлик электр станцияси» очиқ ҳиссадорлик жамиятининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Содиқова Маҳбуба Холиқовна** - Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари - вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси

**Саидаматов Ҳамро Султонович** - «Урганч-экскаватор» очиқ акциядорлик жамиятининг электрпайвандчиси, Хоразм вилояти

**Солиев Эргаш Алибекович** - Пахтакор тумани ҳокими, Жиззах вилояти

**Сокольский Игорь Иванович** - В.П.Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамиятининг цех бошлиғи

**Токарев Юрий Юрьевич** - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Қўқон локомотив депосининг катта устаси

**Тўйчибоев Эшпўлат Тўйчибоевич** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси

**Турсуналиев Рўзи** - «Маҳалла» жамғармасининг Яккасарой тумани бўлими раиси, Тошкент шаҳри

**Усмонов Баван Ҳакимович** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси

**Усмонқулов Рустам Бозорбоевич** - Зомин тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш корхонасининг ишчиси, Жиззах вилояти

**Фирсик Николай Сергеевич** - Амударё тумани ветеринария станцияси бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Хабибулина Хадича** - Оққўрғон туманидаги С.Сегизбоев номли ширкат хўжалигининг пудратчиси, Тошкент вилояти

**Ҳакимов Бахтиёр** - Собир Раҳимов тумани ҳокими, Тошкент шаҳри

**Шажияаев Нургали Таубаевич** - «Ўзбеккимёмаш» заводи очиқ акциядорлик жамиятининг чилангар-йиғувчиси

**Эбулисов Ферид** - «Ўзпахтасаноат» уюшмаси бўлим бошлиғи

**Эрбобаев Баннабжон Усманович** - Марғилон механика заводининг цех бошлиғи, Фарғона вилояти

**Эргашев Қурақбой Ялгашевич** - Мирзачўл туманидаги Мирзо Улуғбек номли фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Яковлев Алексей Александрович** - «Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамиятининг созловчиси

**Қорёғдиев Мурот** - Миришкор туманидаги «Найзор» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Кўп йиллар давомида мамлакатимиз равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ҳам бой ҳаёт тажрибаси, маънавий фазилатлари билан эл-юртга ибрат бўлиб, ўгит-насиҳатлари билан ёшлар тарбиясига ўзларининг катта ҳиссасини қўшиб келаётган қуйидаги юз ёшдан ошган табаррук отахон ва онахонлар мукофотлансин:**

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдиев Ражаб** - Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани

**Бобожонов Мадамин** - Хоразм вилояти, Урганч тумани

**Эгамбердиева Зарапат** - Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани

**Муротов Қурбон** - Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани

**Муфтуллаева Сулиў** - Қорақалпоғистон Республикаси, Қанликўл тумани

**Саноева Жумагул** - Самарқанд вилояти, Нарпай тумани

**Сапаралиев Норбўта** - Сирдарё вилояти, Боёвут тумани

**Суюнова Хамал** - Навоий вилояти, Қизилтепа тумани

**Узоқов Темир** - Фарғона вилояти, Фарғона тумани

**Ҳотамова Нисо** - Тошкент вилояти, Паркент тумани

**Холматова Ибодат** - Андижон вилояти, Жалолқудуқ тумани

**Шодиева Нормома** - Жиззах вилояти, Бахмал тумани

**Юнусбоев Уматали** - Наманган вилояти, Уйчи тумани

**Ҳамроева Истат** - Бухоро вилояти, Жондор тумани

**Жисмоний ногиронлигига қарамасдан қийинчилик ва тўсиқларни мардонавор енгиб, ўзининг азму шижоати, мустаҳкам иродаси ва фидоийлик фазилатларини намоён этган ҳамда ёш авлод тарбияси, юрт тинчлиги ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган қуйидаги ватандошларимиз мукофотлансин:**

**«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Аббосхонов Рихсибой Абдилазизович** - Ўзбекистон Республикаси Кўзи ожизлар босмахонасининг Брайль системаси бўйича ҳарф терувчиси

**Абдукаримова Малика Қиличевна** - «Меҳр-қадам» ногирон спортчилар уюшмаси раиси, Тошкент шаҳри

**Аҳмедов Умид Мадаминович** - Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг армрестлинг бўйича мураббийси, Сирдарё вилояти

**Жамолова Моҳирабону Зайниевна** - Сирғали тумани марказий маслаҳат ташхис поликлиникасининг болалар кардиоревматологи, Тошкент шаҳри

**Жўраев Пўлат** - Тошкент шаҳар Карлар спорт ассоциациясининг юнон-рум ва эркин кураш бўйича бош мураббийси

**Исломов Дўсмурот Алмирзаевич** - Денов туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, Сурхондарё вилояти

**Исматов Мурот Мелиевич** - Афғон уруши ногиронлари республика хайрия жамғармасининг Жиззах вилояти бўлими раиси ўринбосари

**Намозова Дилрабо Тўраевна** - Шофиркон туманидаги «Дилрабо чеварлари» хусусий фирмаси раҳбари, Бухоро вилояти

**Ражапов Бахтиёр Мелиевич** - «Матонат» футбол командасининг футболчиси, Тошкент шаҳри

**Шакаров Нишон** - Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли 59-Кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернати ўқитувчиси

**Ўрунбоев Шуҳрат Миножидинович** - Фарғона давлат университети талабаси, Фарғона вилояти

**Ўзларининг тадбиркорлик ва ишбилармонлик фазилатларини намоён қилиб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини ривожлантиришга, ислоҳотларнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлашга катта ҳисса қўшаётган, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеини кучайтириш, миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёшларни Ватанимизнинг муносиб фарзандлари этиб тарбиялаш, аҳолининг тинчлик ва осойишталигини муҳофаза этишда фаол қатнашаётган қуйидагилар мукофотлансин:**

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдуғаниев Отабек Абдуҳамидович** - «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилояти бўлими Кенгаши муассислигидаги «Давр ва ёшлар» газетаси бош муҳаррири

**Абдузоиров Нормўмин Хуррамович** - Шеробод туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигининг механизатори, Сурхондарё вилояти

**Абдуллаева Васила Тоҳировна** - «Ўзстандарт» агентлиги Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш марказининг етакчи мутахассиси

**Абдуллаев Ҳотам Қобулжонович** - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 203-тажриба йўл машина станцияси бригадири

**Аманов Сатим** - Тўрткўл туманидаги «Янги йўл» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Амонова Саодат** - «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг Нурота почта алоқа тармоғи бошлиғи, Навоий вилояти

**Амуруллаева Ҳафиза Бохроновна** - Зарафшон қурилиш бошқармасининг бўёқчиси, Навоий вилояти

**Орипов Ҳошимжон** - Норин-Фарғона ирригация тизими Охунбобоев тумани бўлимининг Қоражийда сув тақсимлаш участкаси сувчиси, Фарғона вилояти

**Орипов Набижон Маруфович** - «Кўприкқурилиш» трестининг 67-кўприк қурилиш отряди монтажчиси

**Ортиқов Абдусами Ғаниевич** - Тўрақўрғон туманидаги «Ибрат» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Наманган вилояти

**Асанов Улуғбек Жадигерович** - «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоқ давлат университети бошланғич ташкилоти етакчиси

**Астанова Умсун** - «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Фориш тумани таянч пункти директори, Жиззах вилояти

**Ахтемова София Мухтаровна** - «Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг бўёқчиси, Тошкент шаҳри

**Охунов Аҳмаджон** - «Бағдод 78-автокорхонаси» очиқ акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси, Фарғона вилояти

**Аширова Сара Сатибалдиевна** - «Оҳангароншифер» очиқ акциядорлик жамиятининг шифер цехи голлендорчиси, Тошкент вилояти

**Ашуров Тохиржон Тилавқулович** - «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг «Оникс» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

**Бобоев Тоҳир** - Бекобод туманидаги «Далварзин таъмирлаш заводи» ҳиссадорлик жамиятининг қуюв цехи бошлиғи, Тошкент вилояти

**Бобоева Алияхон Аманбаевна** - Янгийўл шаҳридаги «Янгийўл ёғ-мой» очиқ ҳиссадорлик жамиятининг аппаратчиси, Тошкент вилояти

**Боймуратов Комилжон Ниматович** - Ангрен шаҳридаги «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси, Тошкент вилояти

**Бақоев Рустам Ҳамроевич** - Шофиркон тумани электр тармоқлари корхонаси тезкор гуруҳи электрмонтёри, Бухоро вилояти

**Болтабоев Ваҳобжон** - Мирзаобод туманидаги «Болтабой ота» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Бегимқулов Тошпўлат Баратович** - Музработ туманидаги Х.Бердиқобилов номли ширкат хўжалигининг тракторчиси, Сурхондарё вилояти

**Бекмирзаев Ойбек Қўшоқович** - Оқолтин туманидаги «Оқолтин пахта тозалаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг ишчиси, Сирдарё вилояти

**Бектошев Эркин** - Пастдарғом туманидаги «100-автожамланма» ҳиссадорлик жамиятининг ҳайдовчиси, Самарқанд вилояти

**Бердиев Имомқул** - Жиззах туманидаги «Иттифоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

**Боботов Останакул Чориевич** - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 166-темир йўл машина станцияси корхонаси йўл устаси

**Бобоёрова Саида Шобердиевна** - Жарқўрғон туманидаги «Сурхонтекстил» акциядорлик жамиятининг ип йигирувчиси, Сурхондарё вилояти

**Бозоров Абдумалик Абдумажидович** - Бешариқ туманидаги «Яккатут» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Фарғона вилояти

**Бозоров Баҳодир Қодиралиевич** - Бўз туманидаги «Машина-трактор парки» давлат акциядорлик жамиятининг комбайн оператори, Андижон вилояти

**Бозоров Ўктам Холдорович** - «Паркент автобус-такси саройи» масъулияти чекланган жамиятининг ҳайдовчиси, Тошкент вилояти

**Верешагина Римма Раҳматуллаевна** - Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши девони ижтимоий суғурта бўлими мудирининг ўринбосари

**Ғаниев Муратбой Шимбергенович** - Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Дадамуҳамедов Абдувоҳид Парахович** - «12-трест» акциядорлик жамияти 2-механизациялашган кўчма колоннасининг бош муҳандиси, Тошкент шаҳри

**Жумаев Ойбек Чориевич** - Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг лойиҳа бош илмий ходими

**Жўраев Тоҳир Урдушевич** - «Жиззахавтойўл» йўл-қурилиш ҳудудий шўъба ташкилотининг бош муҳандиси, Жиззах вилояти

**Жўраев Шамшиддин Турғунбоевич** - «Намангандонмаҳсулот» очиқ акциядорлик жамиятининг чилангари, Наманган вилояти

**Дурбаев Тошпўлат** - Булунғур туманидаги «Тошпўлат» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Ерлерова Улмикен Ҳайдаровна** - Питнак шаҳар телекоммуникациялар боғламасининг катта телефонисткаси, Хоразм вилояти

**Ёдгоров Рустамхўжа Эргашевич** - «Қўқон суперфосфат заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг машинисти, Фарғона вилояти

**Жамолова Мунавар** - Ғиждувон туманидаги Ҳ.Олимжон номли ширкат хўжалигининг пиллачиси, Бухоро вилояти

**Жўраев Равшан** - Каттақўрғон туманидаги йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш ва фойдаланиш корхонасининг ишчиси, Самарқанд вилояти

**Жўраев Эргаш** - Термиз туманидаги «Қаҳрамон» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиси, Сурхондарё вилояти

**Зокиров Боймирза Маматраимович** - Олтинсой туманидаги «Бунёдкор» қурилиш шўъба корхонасининг участка бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Иброҳимов Азамат Шавкатович** - Тошлоқ туманидаги 11-мактаб ўқитувчиси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси, Фарғона вилояти

**Иброҳимова Муқаддас Умурзоқовна** - Зангиота туманидаги «Иттифоқ» ширкат хўжалигининг сут соғувчиси, Тошкент вилояти

**Иброҳимова Сания Шамуратовна** - Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг «Картография» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори

**Иброҳимова Фотима** - Бухоро шаҳридаги А.Фитрат номли маҳалла фуқаролар йиғини фаоли, Бухоро вилояти

**Имияминова Дилбархон** - «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг муҳандис-технологи

**Ирденова Лиля Маҳмудовна** - Ҳамза туманидаги «Намунали хизмат» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

**Исабаев Турсун Ушанович** - Янгийўл шаҳридаги «Янгийўл полиграф сервис» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Тошкент вилояти

**Исмоилов Бекчан** - «Полвон-Ғозовот» ирригация тизими Қўшкўпир участкасининг экскаваторчиси, Хоразм вилояти

**Исоқов Жаҳонгир Жалолидинович** - Янгиқўрғон туманидаги «Сойбўйи» маҳалла фуқаролар йиғини посбони, Наманган вилояти

**Эшонқулов Бурхон Ивадиллаевич** - Китоб туманидаги 225-механизациялашган кўчма колоннанинг ишчиси, Қашқадарё вилояти

**Йўлдошева Ширин Шариповна** - «Элликқалъа олтин толаси» акциядорлик жамиятининг той тикувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Камолов Юнус Каримович** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали «JBIC» лойиҳасини кузатиб бориш хизмати бошлиғи

**Қоратоев Бахтиёр Раҳимович** - «2-Автобус саройи» акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Каримов Абдиҳошим Каримович** - Оҳангарон туманидаги «Ангрен» ширкат хўжалигининг механизатори, Тошкент вилояти

**Каримов Арзимурот** - Арнасой туманидаги «Назарбек» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Каспулатова София Илгизаровна** - Қашқадарё вилояти Каратэ Федерацияси мураббийси

**Киселёва Татьяна Николаевна** - Жомбой туманидаги «Самжинтекс» қўшма корхонасининг цех бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Койлибаева Сарахан Базарбаевна** - Нукус шаҳридаги «Пром-инвест» кичик корхонаси раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Қосимова Ҳалима Ғаниевна** - Чуст туманидаги «Гулизар» хусусий фирмасининг бошлиғи, Наманган вилояти

**Қурбонов Бахтиёр Имомович** - Узун туманидаги «Ботир» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Кўчқаров Сапарали Ҳолбўтаевич** - Олмалиқ кон-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг цех бошлиғи

**Кушвид Ольга Николаевна** - «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси Маркетинг тадқиқотлари ва сифат бошқармасининг бош метрологи

**Леоненко Вера Андреевна** - «Электрокимёзаводи» қўшма корхонасининг цех бошлиғи, Навоий вилояти

**Мадаминов Матқосим Саримсоқович** - Олмалиқ шаҳридаги «Аммофос» очиқ акциядорлик жамияти таъмирлаш-қурилиш бўлимининг чилангари, Тошкент вилояти

**Мадаминова Гулбаҳор** - Урганч туманидаги «Маҳмуд-Солий» фермер хўжалигининг ишчиси, Хоразм вилояти

**Мадраҳимова Раънохон** - Хўжаобод туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

**Маллаева Гулчеҳрахон Мамировна** - «Узсаламан» қўшма корхонасининг пойабзал тайёрловчиси, Фарғона вилояти

**Мамажонов Собиржон** - «Наманганирқурилиш» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли «1-Наманганирқурилиш» шўъба корхонасининг экскаваторчиси

**Маматқулов Жабарали Қамбарович** - Қўрғонтепа туманидаги «Машина-трактор парки» давлат акциядорлик жамияти механизатори, Андижон вилояти

**Маматқулов Солижон** - Пахтаобод туманидаги «Маданият» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Андижон вилояти

**Маматқулова Раҳима Усмоновна** - Фурқат туманидаги «Юксалиш» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

*31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни*

# «УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ...»

(Боши 1-бетда)

Қатағон фожиаси фақат зиёлиларни ўз домига тортмади. Балки истибдод оловида хўл-қуруқ баробар ёнди. Мамлакатимизда қатағон қурбони бўлмаган, унинг жабрини тортмаган хонадон қолмаган ҳисоб. «Қатағон қурбонлари хотираси» музейида сақланаётган маълумотларга қараганда, аслида бу фожиа истилочилар мамлакатимизга кириб келган даврлардан бошланган. Чор истибдодига қарши чиққан ота-боболаримизни Сибирга сургун қилиниши билан биринчи қатағон бошланган. Сўнгра 20-йилларда аҳолининг зиёли қисми ҳисобланмиш жадидларга қарши ҳужум уюштирилган. 1922-1929 йилларда эса диндор, мулкдорлар қулоқ қилинган. 30-йиллардан бошлаб давлат арбоблари, ёзувчи-шоирлар халқ душманига чиқарилиб қамалган. Бу қатағон 40-йилларгача давом этган. II жаҳон уруши тугагандан кейин яна қама-қама бошланган. Фронтда қанчалик жон фидо қилиб, душман билан олишганига қарамай, асрга тушганлар ёппасига қамоққа олинди. Орадан сал вақт ўтмай, 50-йиллар илғор фикрли зиёлилар ғоясизликда айбланиб, қатағон этилди.



Мустабид тузум ҳатто ўлими арафасида ҳам ўзбек диёрига ўзининг қонхўр элчиларини юбориб, пахта иши билан сўнгги қатағонни амалга оширди. Хуллас, шўро даврида халқимизнинг боши қатағондан чиқмади. Фақат мустақиллик шарофати билан адолат ва ҳақиқат тикланди. Ватан ва халқ бахт-саодати йўлида қурбон бўлганларнинг номи оқланди. Музейда сақланаётган ҳужжатларда улар ўз исботини топган. Улардан сатрлар ўқиймиз:

Асадулло Беркам, Тошкент:

– Бизнинг Баландчақир дунёнинг энг овлоқ қишлоғи эди. Гадой топмас мана шу қишлоққа ҳам истибдоднинг қақшатқич ҳамласи етиб борган.

Холиқберди деган боғбон янги боғлар яратиб, ундан ҳар йили 700 пуд майиз етиштиргани, Абдуқодир деган ҳамқишлоғимиз, байроғимиз ранги қонга ўхшаркан, дегани учун отувга ҳукм қилинган. Абдуқодирнинг ўсмир ёшидаги ўғли Раимқул эса 25 йилга Сибирга сургун қилинган.

Мастура Шарипова, Жиззах шаҳри:

– Отам – Одил Очилов оддий ошпаз бўлган. Аммо шунга қарамай қатағонга учраган. Аслида бор-йўқ айби – «халқ душмани» – Ҳайдарбек Абдужабборов қатнашган зиёфатда хизмат қилган, меҳмонларга таом тайёрлаган. У ҳибсга олинганида ёши 60 дан ошган эди. Қамоқда ўлиб кетди. 8 нафар ака-ука, опа-сингилларим ҳам очликдан ўлишди.

Алишер Насимов, Умарали Қодиров, Сурхондарё вилояти:

– Истибдод заҳри сачрамаган бирор-бир хонадон бормикин? Бизнинг бобомиз Абдувосе Ҳалимов ҳам хотини, ўғли ва қизи билан бирга 1937 йил ҳибсга олинган. Бобомиз қамоқда ўлдирилган. Оиласи эса азобланган. Орадан 60 йил ўтгач бунинг сабаби ойдинлашди. Бобомиз ҳеч кимга ёмонлик қилмаган, мулкдор бўлган, холос.

Хотиралар аччиқ, уларни ўқиган сайин озодликнинг, тинч осуда кунларнинг қадри нақадар бебаҳолигига ишонасан. Мустақиллик ана шундай армонли қалбларга малҳам бўлди. Турли айблар билан отилган, бекафан, бежаноза кўмиб ташланган азиз зотларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ҳам хўрлик ва ҳақоратлардан халос этилди. Президентимиз ташаббуси билан юртимизда истибдод қурбонлари шаънини тиклаш, тарихий адолатни қарор топтириш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. «Шаҳидлар хотираси» зиёратгоҳи бунёд этилди. 2001 йил 1 май куни эса «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармон эълон қилинди. Ушбу муҳим ҳужжатда ҳар йили 31 август куни – «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасида қатағон қурбонларини ёд этиш маросимини ўтказиш кўзда тутилди. Шунингдек, зиёратгоҳда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ташкил этилди. Давлатимиз раҳбарининг қатағон қурбонларини ёд этиш кунини айнан Мустақиллик байрами арафасида—31 августда белгилашида катта рамзий маъно бор. Чунки Ватан озодлиги деб жон берган миллатпарварларни ёд этиш шундай улуғ кунда ҳар биримиз учун қарз ва фарздир.

Энг улуғ, энг азиз байрам муносабати билан шу кунларда зиёратгоҳ янада гавжумлашган. Сўнгги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари давом этаяпти. Кимдир шаҳид кетган ота-бобосини, яна биров яқин қариндошининг руҳини шод этишга шошилади. Ёшлар эса бу зиёратгоҳга маънан юксалиш, руҳан покланиш, миллатпарвар боболарига муносиб ворис бўлиш учун ошиқади. Шарқ меъморчилигининг энг гўзал анъаналари асосида барпо этилган музейда халқнинг мустақилликкача бўлган даврида бошдан кечирган даҳшатли жабр-ситамлари, қатағонларидан шаҳодат берувчи экспонатларни томоша қилиб, ўша машъум замонлар даҳшатини ҳис қилади, бугунги саодатли кунлар осонликча қўлга киритилмаганлигини англаб етишади.

Ҳа, Президентимиз ташаббуси, халқимиз кучқудрати рамзи сифатида барпо этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида шаҳид кетган юртдошларимиз руҳи кезиб юрибди. Қуёш нурида жилваланиб оқаётган Бўзсувда акс этган ажиб манзараларда, сокин ва маъюслик акс этган фавворалар, хиёбонлардаги турфа гулларда бу ҳақиқат акс этаётгандек. Уларга боқиб Фитратнинг «Юртим... сендан айрилмак менинг – ўлимим. Сен учун ўлмоқ тириклигимдир», деган мисралари хаёлга келади. Ҳа, миллат озодлиги учун жон берган зотлар мангу барҳаётдирлар. Улар халқнинг ниятларида, эзгу ишларида умрбоқий яшайверадилар.

**А.ҚОДИРОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

## ЧИҚИТНИ ТИЛЛАГА АЙЛАНТИРАДИ

***Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи - пиллачиликни изчил ривожлантириш, ипакчилик корхоналарини босқичма-босқич қайта жиҳозлаш, соҳага хориж сармоясини кенг жалб этган ҳолда янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони эълон қилинганидан сўнг «Ўзбек ипаги» уюшмаси тизимида хорижий инвестиция иштирокида янги корхоналар барпо этишга эътибор янада кучайди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз - мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллик тўйи арафасида пойтахтимизнинг Чилонзор туманида «Silver Silk» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонасининг биринчи навбати ишга туширилгани бунга мисол бўла олади.

Замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган мазкур қўшма корхона мамлакатимизда пилла чиқитини қайта ишлаб, ипак лента - тасма тайёрлайдиган ягона корхонадир. Унинг биринчи навбатини ишга тушириш учун 600 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди.

Юздан кўпроқ ишчи меҳнат қиладиган ушбу корхонада йилига 350 тонна пилла чиқити қайта ишланиб, 100 тоннадан кўпроқ харидоргир ипак тасма тайёрланади. Бошқача айтганда, илгари яроқсиз деб ташлаб юборилган пилла чиқитини қайта ишлаш ҳисобидан йилига қиймати бир ярим миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот тайёрланиб, экспорт қилинади. Корхона ҳозирдаёқ талай мамлакатлар, хусусан, Италия ва Хитойдан ўз маҳсулотига буюртмалар олди.

***Йўллар элларни-элларга, дилларни-дилларга боғловчи ришталардир. Халқимизда йўли равоннинг кўнгли ёруғ деган нақл бор. Шу боис муқаддас китобларда одамлар манзилини яқин, мушкулини осон қилиб, йўл қуриш, кўприк барпо этишнинг савоби икки дунёга етгулик, дейилади. Мустақил юртимизда йўлсозлик ва кўприксозликнинг ўзига хос мактаби яратилди. Бу йўллар Ватанимиз сарҳадларини олтин камар мисол дунё билан боғловчи эзгулик манзилларига туташдир. Уларга боқиб, беихтиёр Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрлари ёдга келади:***




*Бу йўллар таратган Ўзбекнинг*
*шонин,*
*Неча манзилларда машъал*
*ёққайдир.*
*Бу йўллар... Айланиб ҳали,*
*дунёнинг*
*Чаккасига гуллар таққайдир.*

# БУ ЙЎЛЛАР ЎЗБЕКНИНГ ШОНИ

Йиллар, замонлар ўтади, аммо қутлуғ ишлар Ватанимиз тарихига заррҳал ҳарфлар ила битилажакдир.

Ҳали унутганимиз йўқ. Шўролар замонида шундай шиор бўларди: «Барча йўллар коммунизмга олиб боради». Минг афсуски, Ватанимиз бўйнига солинган занжирлар халқимизни боши берк кўчага олиб кириб қўйганди. Маънавиятимиз, тарихимиз, ўзлигимиздан жудо этди. Эрта тонгдан ўзгаларга таъзим қилиб, «Ассалом» деб уйғонардик. Меҳнат қилиб, яйраб-яшнаб яшаш нималигини билмасдик. Салим ака Мардонов деган меҳнаткаш, содда, самимий бир деҳқонни танийман. Унинг умри далада ўтган. 45 йил колхозда механизаторлик қилган. Аммо ҳамиша топгани рўзғорига етмай, ночор аҳволда яшаганликларидан хабарим бор. Яқинда ана шу отахонни учратиб қолдим. Ҳаётидан мамнунлиги шундоққина кўриниб турибди.

— Бу ҳам бўлса озодликнинг шарофати, эркин юрт фуқаросининг ҳимояланганлигидандир. Ҳа, ёлғонга қурилган йўлларнинг охири берк бўлиши тарихдан маълум. Мана Мустақиллик туфайли бу йўллар саодатманд одамларнинг шукронаси билан тўлиб-тошди.

Мустақиллик ўзбек йўлсозлари учун чинакам юксалиш даврини бошлаб берди. Нафақат шаҳар, қишлоқларни боғлайдиган йўллар бунёд этилди, балки хорижга томон йўналган кенг, равон магистрал йўллар қурилди.

Албатта буларга осонликча эришилгани йўқ. Бунинг учун даставвал етук мутахассис кадрлар тайёрлашга киришилди. Дунёдаги етакчи компаниялар билан алоқа ўрнатилди. Президентимиз Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганларидек: «Улуғ ниятларимизни амалга ошириш йўлида биз янги кўприклар, янги «Ипак йўллари»-ни қуришимиз керак. Токи келажак авлодларимизнинг йўллари бехатар, кенг ва равон бўлсин». Мустақиллик даврида 1 минг 435 километр автомобил йўллари қайта қурилди, 104016 километр йўл таъмирланди. 480 та кўприк барпо этилди. Тасаввур қилинг, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий юксалиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган Нукус-Хўжайли автомобил йўлидаги Амударё устидан ўтувчи кўприкнинг умумий узунлиги 3600 пм.ни ташкил этади. Тошкент шаҳрида барпо этилган ўндан ортиқ кўприклар жаҳон андозаларига тўла жавоб беради.



Яқинда Бухорода сафарда бўлдим. Баҳоуддин Нақшбанд, Абдухолиқ Ғиждувоний, қўйингки, нақшбандия тариқатининг етти пири зиёратгоҳларига элтувчи йўллар жаҳон андозаларига мос қайта бунёд этилибди. Бухоро аэропортидан Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳларига элтувчи йўл кафтдек текис. Дид билан қурилган йўл ёқалаб амалга оширилган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари кишини ҳайратга солади. Баҳоуддин Нақшбанд кўчаси орқали шаҳарнинг марказий ва жанубий қисмини боғловчи бу йўлни бухороликлар «Президент йўли» деб атаркан. Ҳар икки томони гулзор, аҳоли яшайдиган кўркам турар-жойларга боқиб негадир истиқлолдан олдинги Бухоронинг жин кўчалари ёдимга келади. Эски атамадан бугун ном-нишон қолмаган. Икки томонлама қатнов йўлга қўйилган шоҳкўча ўртасида арча ва тут дарахтлари, гул кўчатлари ўтқазилган. Чорбакир канали устига улкан кўприк барпо этилибди. «Газли» шоҳкўчасидан марказга элтадиган йўлнинг ўнг томонида катта сунъий кўл. Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғи, «Шимолий» мавзедаги йўлдан кўркам аҳоли турар-жойлари бошланади. Улар болалар боғи, «Хотира хиёбони»га қўшилиб кетган. Йўлдан ўнгга бурилиб, қадимий Арк, Минораи Калон, Масжиди Калон ёдгорлик мажмуаларига чиқасиз. Бу манзилни Баҳоуддин Нақшбанд кўчаси билан боғлайдиган янги йўл ҳазратнинг устозлари Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний номи билан аталади. Тариқат пирининг 900 йиллик таваллуд кунлари муносабати билан Ғиждувоний ва Нақшбанд мақбара - мажмуалари, зиёратгоҳ хиёбонлари қайта чирой очди.

Ҳа, қурилаётган йўллар, кўприклар халқ ғururини баландга кўтариб, унинг узоғини яқин, мушкулини осон қилиб, нурли истиқболга хизмат қилмоқда. Зеро, донолар айтмоқчи «Кўприк қурган кам бўлмас, равон йўлда ғам бўлмас».

**А.НАБИЕВА**

*«Бандлик» дастури амалда*

***Бандлик масалаларини ҳал этиш, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош асосий вазифалардан биридир.***

Хусусан "Бандлик" дастури асосида меҳнат бозоридаги вазиятни соғломлаштириш, мавжуд ишлаб чиқариш кучларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, янги корхоналарни шакллантиришда ижобий кўрсаткичларга эришилди. Йил бошидан буён шаҳар ва туманлардаги бўлимларимизга 10 минг 939 нафар фуқаро мурожаат қилиб, иш изловчи сифатида рўйхатга олинди. Улардан 3980 нафари мақбул келадиган иш билан таъминлаш муайян муддатга қолдирилганлиги боис ишсиз деб эътироф этилди. 5501 нафар киши эса ҳудудий бўлимларимиз томонидан ишга жойлаштирилди.

## КВОТАЛАНГАН ИШ ЎРИНЛАРИ

Шунингдек, бу йил қишлоқ хўжалик корхоналари ва ширкатларнинг фермер хўжаликларига айлантирилиши муносабати билан ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Унда ишдан бўшатилган кишиларнинг 1731 нафарини меҳнатга жалб этиш кўзда тутилган. Ярим йил давомида уларнинг 1581 нафари иш билан таъминланди. Дастурга биноан 78 нафар фуқаро иш топилгунча ижтимоий ҳимояга олинади.

Бош бошқармамиз томонидан фуқароларни, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида 2005 - 2006 йилларга мўлжалланган янги иш ўринлари режаси ишлаб чиқилган. Шунингдек, 2005 - 2007 йиллар мобайнида аёлларни иш билан таъминлаш дастури ҳам ҳаётга жорий қилинмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида янги объектларни ишга тушириш, корхоналарни кенгайтириш, уларнинг қувватини ошириш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига 6445 ишчи ўрни яратилди.

Меҳнат органлари ҳокимликлар қарорлари билан квоталанган иш ўринларидан самарали фойдаланмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 599 нафар ишсиз шу йўл билан ишга жойлаштирилди. Бунга қўшимча равишда касбга тайёрлаш, яъни қайта ўқитишни йўлга қўйдик. Ўтган йили ёшлардан 271 нафари янги касб-ҳунар бўйича ўқитилди. Айниқса, бу Урганч шаҳри, Гурлан, Шовот, Хонқа туманларида самарали йўлга қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Вақтинчалик бир марта иш билан таъминлаш марказлари ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига биноан шаҳар ва туманлардаги меҳнат бўлимларимиз қошида марказлар очилди. Кичик корхоналар ташкил этиш ва мавжудларини кенгайтириш эвазига жорий йилда 633 нафар киши ушбу имкониятдан фойдаланди.

Бандлик дастурини амалга оширишда бош бошқармамиз вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ўтказяпти. Ўтган йилнинг ўзида Урганч шаҳри, Шовот, Хива, Янгиариқ, Янгибозор туманларида бир, Боғот, Гурлан, Урганч ва Хонқада 2, Ҳазораспда 3, Қўшкўпирда 4 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Уларда 527 та корхона ва ташкилот 2406 бўш иш ўринлари билан қатнашди. 1267 нафар ишсиз иш билан таъминланди, 25 киши касб-ҳунар ўқувларига, 21 фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**Хоразм вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи**

## МАВСУМГА ТАХТ

«Хўжайли толаси» акционерлик жамияти аъзолари пахтакорлар етиштирган мўл ҳосилни қабул қилиб олиш ва қайта ишлашга пухта тайёргарлик кўришди. Жамиятга қарашли бешта қабул қилиш шохобчаси тўла таъмирдан чиқарилди, 84 та майдонча тегишли талабларга жавоб берадиган ҳолга келтирилди. Юзта транспортёр ва 107 та бошқа механизмлар тахт қилиб қўйилди.

Жамият бу йил 12 минг 251 гектар майдонда пахта етиштираётган туман деҳқонларидан 23 минг 200 тонна хомашёни қабул қилиб олади.

- Бунинг учун барча чора-тадбирлар кўрилган, - дейди «Найман» пахта қабул қилиш шохобчаси раҳбари Баҳодир Камолов.- Ёнғинга қарши кураш чоралари белгиланди. Хусусан, биз 14 та фермер хўжалиги билан 3 минг 500 тонна «оқ олтин» қабул қилиб олиш бўйича шартнома туздик

## ВАНҒОЗИ: ЯНГИ КОРХОНАЛАР

Қизилтепа туманидаги Ванғози қишлоғида 15 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Ватанимиз мустақиллигининг ўн тўрт йиллик байрами арафасида «Ванғози агроэкспорти» масъулияти чекланган жамият томонидан бу ерда ёғ ишлаб чиқариш заводи ишга туширилди. Корхона бир кеча-кундузда 25 тонна чигитни қайта ишлаб, уч тоннадан ортиқ ёғ ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда 150 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

Ванғозида кунига 15 тоннагача ун ишлаб чиқарадиган яна бир корхона иш бошлади. Янги тикув цехи ишга туширилди.

**(ЎзА)**

*Ўз ерининг ҳақиқий эгалари*

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, янгича мулкчилик муносабатларини шакллантириш ва ҳақиқий мулкдорлар синфини яратишдан иборат.***

# ЭГАТЛАР

## бахт эшигига етаклайди

Республикамиз жанубида жойлашган Сурхондарё вилоятида Президентимизнинг «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклларини ўзгартириш ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришнинг концепцияси ишлаб чиқилган.

Иқтисодиёт таянчи ҳисобланган фермерлик ҳаракати мулкдорларда ерга эгалик ҳиссини қарор топтириб, ҳар бир кишининг турмуш тарзи, кундалик ҳаётидаги ўзгаришларда ўз ифодасини топмоқда. Иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган жамоа ва ширкат хўжаликлари мулкчиликнинг янги шаклига ўтказилаяпти. Бултур зарар кўриб ишлаётган, норентабелли 22 та ширкатлар замирида тузилган 300 га яқин фермер йилни 400 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Ҳолбуки, ушбу ширкатларнинг умумий қарзи 811 миллион сўмдан ошиб кетган эди.

Жорий йил бошида 30 та иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишлаётган хўжаликлар тугатилиб, ўрнида 901 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Дастлабки натижалар янгича усулнинг ҳар томонлама афзаллигини исботлади. Масалан, Шеробод туманидаги У.Юсупов номли ширкатларда 2004 йили ҳар гектар майдондан 24 центнердан дон олиниб, бор йўғи 1900 тонна ғалла етиштирилган эди. Фермерликка ўтгач, одамларда меҳнатга муносабат ўзгарди. Жамоалар ҳамжиҳатлик билан ишга киришганликлари натижасида фермер хўжаликларида ҳар гектардан 43 центнердан хирмон кўтарилиб, 4435 тонна дон етиштирилди.

Бу йил «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги замирида 90 та фермер тузилиб, 1638 гектар майдонда ғалла ўстирилди. Ҳосилдорлик бир йилнинг ўзида 26 центнердан 42 центнерга, ялпи ҳосил 4317 тоннадан 8300 тоннага кўпайди.

– Эндиликда 6553 тадан зиёд фермер хўжаликларининг аксарияти маҳсулот етиштириш ҳажми ва сифатини ошириб бораяпти, – дейди вилоят фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Раҳматулло Маннонов. – Энг асосийси ерга эгалик ҳисси шаклланиб, қўли ишдан совиган одамлар ўзларининг бутун куч-ғайратларини кўпроқ ҳосил етиштиришга ва даромадларини кўпайтиришга сарфламоқдалар.

Денов туманидаги «Баҳриддин» фермер хўжалиги раҳбари Баҳром Дилов «Ташаббус-2005» республика кўрик-танловида иштирок этиб, «Энг яхши фермер» йўналиши бўйича биринчи ўринни қўлга киритди. Ишбилармон йигит Президент соврини – минитрактор ва замонавий компьютер тўплами билан тақдирланди. Эндигина 35 ёшни қаршилаган Б.Дилов бундан 10 йил аввал фермерликка қўл урган эди. Интилганга толе ёр, дейдилар. Қишлоқ мулкдори фақат маҳсулот етиштириш билан шуғулланиб қолмасдан аввал мойжувоз, кейинчалик тегирмон ускуналарини сотиб олди. Кунгабоқар, ловия, писта, соя каби ўсимликларнинг донидан ёғ олишга киришди. Орадан кўп ўтмай ўн турдаги маҳсулот ишлаб чиқарадиган макарон цехи ҳам ишга тушди. 50 гектар майдонда ғалла, пахта, сабзавотдан ташқари маккажўхори, беда сингари такрорий экинлар етиштирилаяпти. Озуқа базаси мустаҳкамланиб, қорамоллар сони минг бошга етказилди. Гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган миницех фойдаланишга топширилди. Ҳозир бу ерда ўн хилда колбаса маҳсулотлари, пишлоқ, қаймоқ, қуюлтирилган сут ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Фермер хўжалиги йилни 130 миллион сўм соф фойда билан якунлади. 141 киши фаолият кўрсатаётган жамоада меҳнат ва ҳордиқ чиқариш учун ҳамма қулайликлар яратилган. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 60 минг сўмга тўғри келади. Бундан ташқари, уларга буғдой, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари бепул тарқатилади.

Саховатпеша инсоннинг ҳиммати билан А.Турдиев номли маҳаллада истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалар фарзандларининг 40 нафарига суннат тўйи ўтказиб берилди. Тумандаги 81-умумтаълим мактабига компьютерлар, 1-сонли иқтидорли болалар мактабига ўқув қуроллари тортиқ этилди. Маҳаллаларни сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, қариялар ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, спорт иншоотларини таъмирлаш учун 21 миллион сўм маблағ сарфланди.

Термиз туманидаги «Сурхон воҳаси» фермер хўжалиги ўзининг яратувчанлик ишлари билан кўпчиликнинг эътиборини қозонди. 118 кишилик жамоага кайвони ва фидойи аёл Рисолат Маматқулова раҳбарлик қилади. Кўп тармоқли фермер хўжалигида пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик ва чорвачилик йўлга қўйилган. Консерва, мебел ва тикувчилик цехлари, сартарошхона, эшик-деразa ясайдиган устахона ва савдо дўконлари ишлаб турибди. 130 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган зироатчилар пахтачиликнинг ўзидан 58 миллион, ғаллачиликдан 6 миллион сўм соф фойда олишди. 50 минг банка консерва тайёрланиб, истеъмолчиларга 6 миллион сўмлик гўшт ва сут сотилди. 7 миллион сўмлик транспорт хизмати кўрсатилди. Ҳар бир ишчига ойлик маошидан ташқари 500 килограмдан буғдой тарқатилди. Ҳалол меҳнати билан бахт топган Рисолат опа Маматқулова жамоаси 2,5 йил ичида ислоҳотлар самарасини ҳаммага намойиш этди.

Жорий йилнинг ўтган даврида тижорат банклари томонидан пахта хомашёси етиштиришни молиялаштириш учун фермер ва ширкат хўжаликларига 30 миллиард 942,1 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Ғалла ҳосили етиштиришни молиялаштириш учун фермерларга 1 миллиард 101,4 миллион сўм имтиёзли кредитлар берилган бўлса, унинг 145,8 миллиони иш ҳақига сарфланди.

Ангор туманидаги «Мустақилликнинг 10 йиллиги», «Таллимаржон», Қумқўрғондаги Ойбек номли, Бойсундаги «Тошкент», Жарқўрғондаги «Халқобод», «Оққўрғон», Қизириқдаги Охунбобоев номли, «Кунчиқиш», Шерободдаги «Ўзбекистон», У.Юсупов номли, Шўрчидаги Хўжамиёров номли, Учқизилдаги «Наврўз» хўжаликлари ҳудудида очилган минибанклар фермерларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Фермерлар узоқ йўл босиб, туман марказларига қатнамасдан минибанклар орқали нақд пул олиш, кредитларни расмийлаштириш каби муаммоларни ўз жойларида ҳал этадилар. Масалан, Шеробод туманидаги «Уста Абраҳмат бобо», «Дўстлик», «Баҳор» фермер хўжаликлари минибанклар орқали керакли миқдорда кредитларни расмийлаштириш имкониятига эга бўлишди.

Музрабод туманидаги «Меҳнат-роҳат» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси «Ғаллабанк»дан 200 миллион сўм кредит олиб, аҳолини ун маҳсулотларига бўлган талабини қондиряпти. Давлат буюртмасидан ортиқча етиштирилган ғалла ҳосилининг хўжаликлар ихтиёрида қолдирилаётганлиги одамларнинг моддий манфаатдорлиги ва ишга қизиқишини оширмоқда.

**И.ТИЛЛАЕВ**

Касаба уюшма тадбири

# ТИББИЁТЧИЛАРНИНГ «ЗОМИН»ДАГИ БЕЛЛАШУВИДА

## жиззахликлар биринчи бўлди

***Куни кеча Жиззах вилоятининг сўлим «Зомин» сиҳатгоҳида соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши ташаббуси билан «Сиҳат-саломатлик йили» ва Мустақиллигимизнинг 14 йиллигига бағишланган соҳа ходимларининг V анъанавий республика спартакиадаси бўлиб ўтди.***

Спартакиада баҳслари спортнинг 6 тури бўйича – енгил атлетика, стол тенниси, волейбол, арқон тортиш, тош кўтариш ва миллий кураш бўйича муросасиз тус олди. Кураш мусобақа дастуридан илк маротаба ўрин олган бўлишига қарамасдан, кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди. Саломатлик спартакиадаси тиббиёт ходимларига кўтаринки кайфият бахш этди.

Мусобақалар якунига кўра умумжамоа ҳисобида Жиззах вилояти вакиллари ғолибликни қўлга киритди. Сурхондарё ва Бухоро вилоят тиббиётчилари кейинги ўринларни эгаллашди.

Спорт турлари бўйича жамоалар қуйидагича ўринни эгалладилар:

**Енгил атлетика**

1. Бухоро вилояти
2. Сурхондарё вилояти
3. Фарғона вилояти

**Стол тенниси**

1. Бухоро вилояти
2. Сурхондарё вилояти
3. Фарғона вилояти

**Волейбол**

1. Жиззах вилояти
2. Сурхондарё вилояти
3. Бухоро вилояти

**Миллий кураш**

1. Жиззах вилояти
2. Наманган вилояти
3. Тошкент шаҳри

**Тош кўтариш**

1. Қорақалпоғистон Республикаси
2. Сурхондарё вилояти
3. Жиззах вилояти

**Арқон тортиш**

1. Наманган вилояти
2. Хоразм вилояти
3. Жиззах вилояти





Спартакиаданинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши раиси О.Муҳиддинова, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бошлиғи А.Султонов, Жиззах вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Н.Пардаев ғолиб ва совриндорларга қимматбаҳо совғаларни топширишди.

**А.МАМАЖОНОВ**

Спорт оламида

*Футбол*

## ГУРУҲЛАР АНИҚЛАНДИ

Франциянинг Монако шаҳрида кўҳна қитъанинг энг нуфузли турнири Чемпионлар лигаси ҳамда УЕФА кубоги баҳсларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Жамоалар саккизта гуруҳда ғолиблик учун курашадиган бўлди. Гуруҳ ўйинлар 13 сентябрда бошланиб, 7 декабргача давом этади. "А" гуруҳда: "Бавария", "Рапид", "Брюгге", "Ювентус" жамоалари, "В" гуруҳда: "Спарта", "Аякс" , "Арсенал", "Тюн" клублари, "С" гуруҳда: "Вердер", "Барселона", "Панатинакос", "Удинезе" жамоалари, "Д" гуруҳда: "Бенфика", "Манчестер Юнайтед", "Вильяреал", "Лилль" вакиллари, "Е" гуруҳда: "Милан", "ПСВ" "Фенербахче", "Шалке-04" жамоалари, "F" гуруҳида : "Олимпиакос", "Лион", "Реал ", "Русенборг" жамоалари , "G" гуруҳда: "Ливерпул", "Андерлехт", "Бетис", "Челси" вакиллари , "Н" гуруҳида: "Порту", "Рейнжерс", "Интер","Артмедиа"жамоалари ўрин олган.

*Профессионал бокс*

## КАБУТАРЛАР ЭРМАК БЎЛАДИ

Сўнгги кунларда собиқ жаҳон чемпиони афсонавий Майк Тайсон ҳаётида ижобий воқеалар содир бўлмоқда. У яшайдиган Аризона штати маъмурияти ва ниҳоят собиқ чемпионга ўз уйида кабутархона қуришга рухсат берди. Авваллари маъмурлар бу ишга рухсат бермай келаётганди.



Гап шундаки, Темир Майк бой-баёнлар яшайдиган ҳудудда истиқомат қилади. Қўшничилик масалаларида ўта эҳтиёткор ҳамсоялар унинг кабутар боқишига қаршилик қилиб келган. Маълумки, Америкада хусусий мулк даҳлсиз саналади. Аммо ҳамсоялар фикри доимо инобатга олинади. Акс ҳолда, қўшнилар бир-бирини судга бериши мумкин.

Расман, Майкка маҳаллий архитектура раҳбариятидан керакли ҳужжат бўлмагани учун қурилиш инкор этилган. Бироқ, аслида ўша ердаги бойваччалар, ўзлари яшайдиган маконнинг экологик ҳолати бузилишидан хавфсирашган.

Собиқ чемпионнинг бугунги аҳволини тушунган штат маъмурияти ва ўша бойваччалар унга ачинган кўринишади. Нима бўлганда ҳам энди боксчи кабутар боқиши мумкин. Тўполончи темир Майкнинг автомобиллар капоти устига чиқиб сакраш каби қилиқларидан кўра, қанотли дўстлари билан вақт ўтказгани кўпчиликка маъқул келган кўринади.

Бу хурсандчиликларни у Берлинда машҳур қўшиқчи Майкл Жексон ўтказадиган кечада нишонлайдиган бўлди. Бу кеча машҳур қўшиқчи отасининг туғилган кунини нишонлайди.

## ЖИРОВ - ОҒИР ВАЗНДА ҚОЛАДИ

IBF йўналиши биринчи оғир вазнда собиқ жаҳон чемпиони Василий Жиров сўнгги икки йил мобайнида ўта оғир вазнда муваффақият билан жанг ўтказмоқда. Шу боис у ўз вазн тоифасига қайтишни хаёлига ҳам келтирмаяпти.




- Ҳеч қаерга ўтишни истамайман, - деган у. - Оғир вазнда жанг қилиш мен учун мароқли. Бу вазнда ўзимни жуда кучли ҳис қиляпман.

У яна оғир вазнда ҳам бир кун келиб албатта жаҳон чемпиони бўлишини, кимки унга ортга қайтишни маслаҳат бераётган бўлса, хато қилаётганлигини таъкидлаган.

*Баскетбол*

## ДЭВИС, АНДЕРСЕН ВА ПОТАПЕНКО ЯНГИ ШАРТНОМА ИМЗОЛАДИ

Миллий баскетбол лигасининг "Детройт" жамоаси 36 ёшли Дэйл Дэвис билан икки йиллик шартнома имзолади. Ўтган мавсум "Индиана" жамоасида ўйнаган марказий ҳужумчи 25 ўйинда 6,9 очко жамғарган. Энди у икки йил мобайнида етти миллион доллар маош олади.



"Портленд"да ўйнаётган Дерек Андерсон мустақил ўйинчи сифатида "Хьюстон" жамоаси билан шартнома имзолади. У 1,67 миллион доллар маош оладиган бўлди. "Сиэтл" жамоаси Жерома Жеймсдан айрилгандан сўнг украиналик Виталий Потапенко билан янги шартнома имзолади. 1999 йилдан буён ушбу жамоада ўйнаётган баскетболчи шартномадаги 33 миллион долларни тўлиқ олиб бўлган. Янги шартнома қанча маблағ эвазига тузилгани сир тутилмоқда.

*Велопойга*

## АРМСТРОНГНИНГ ШУБҲАЛИ ҒАЛАБАЛАРИ

Замонамизнинг энг буюк велопойгачиси дея эътироф этилган Лэнс Армстронг ўз фаолиятини якунлаши арафасида янги айбномалар гирдобида қолди. "Тур де Франс"нинг етти карра ғолиби, бу музаффарликка тақиқланган моддалар истеъмол қилиб эришганликда гумон қилинмоқда.

"Техаслик темир" ҳамманинг ҳайратини ошириб, велопойга билан шуғулланмасдан олдин саратон касали билан қаттиқ оғриган эди. Боз устига у стимуляторларга муккасидан кетганди. Бироқ, у велоспорт юлдузига айланди.



Бу допинг машмашаси энди катта жанжалга айланиб, замонавий спорт қаҳрамони образига путур етказиши мумкин. Унинг бошланишига Францияда чиқадиган "Экип" спорт газетаси текширувлари сабаб бўлган. Текширишлар натижасида журналистлар, Армстронг биринчи бор ғалаба қозонганда, ўша пайтда анча номаълум бўлган эритропоэтин моддасидан фойдаланган. Буюк велопойгачи шаънини, Шатене - Малабридаги спорт лабораторияси илмий мақсадларда ўтказган "Тур де Франс - 1999" даги олинган анализлар текшируви булғаган. Олти йил муқаддам бу допинг моддани аниқлайдиган технологиялар бўлмаган. Энди олтита эски олинган анализлардаги эритропоэтин моддаси аниқланган. Айтишларича, улар Лэнс Армстронгга тегишли бўлган.

Бу хабар шунчалар тез тарқалганки, Ленс Армстронг француз журналистларини "жодугарлик"да айблаган ва бу шубҳаларга ўрин йўқлигини билдирган. Шу ўринда "Тур де Франс" директори Жан-Мари Леблен фикрлари журналистлар жонига оро кирган. У бундай ҳолат бўлиши мумкинлигини, бироқ у ҳозир анча кеч аниқланганидан афсус чекиб, шубҳаланаётган спортчи етти маротаба бу унвонни қўлга киритгани ва бошида "олтин тож" билан спортни тарк этишга улгурганини таъкидлаган.

**А.ЮНУСОВ тайёрлади**

# ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида таъкидлаганидек, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш тизими тубдан ўзгармоқда, фермерлик қишлоқ хўжалиги юритишнинг энг истиқболли ва самарали шакли сифатида етакчи ўринни эгаллаяпти.

Бугунги кунда вилоят аҳолисининг халқ хўжалигида бандлиги 351,8 минг ишчи кучини ташкил этган бўлса, деҳқон ва фермер хўжаликларида 165 минг киши шуғулланмоқда. Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотнинг 70 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келади.

Қизилтепа туманида фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Дон етиштиришда юқори кўрсаткичга эришиб, 35 минг тоннадан зиёд хирмон яратган ғаллакорлар давлатга 19 минг тонна маҳсулот топширдилар. Қўлга киритилган муваффақиятларда мавжуд 418 фермернинг муносиб улуши бор, албатта.

Ўртачўл кенгликларида меҳнат қилаётган «Валиобод» фермер хўжалиги раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Раъно Валиевани кўпчилик яхши билади. Тадбиркорлиги билан эл назарига тушган тажрибали деҳқон бошлиқ аҳил ва иноқ жамоада соғлом маънавий муҳит шаклланганлиги, моддий манфаатдорлик ортганлиги туфайли ғалла ҳосилдорлиги гектар бошига 70 центнердан ошди. Давлатга режадан ортиқча 22,1 тонна дон етказиб берилди. Ёлғиз қария ва ногиронлар ҳам эътибордан четда қолмади.

– Туманимизнинг ялпи ғалла ва пахта хирмони 60 минг тоннадан ошади, - дейди фермер. – Мулкчиликнинг янги усули қишлоқ аҳлини боқимандачилик кайфиятидан халос қилди. Ерга, мулкка эгалик ҳисси шаклланди. Ўртачўлнинг мураккаб табиати деҳқонларни қаттиқ синовдан ўтказди. «Ўртачўл юлдузи» фермер хўжаликлари уюшмасида меҳнатнинг вақтида рағбатлантирилиши ютуқлар омили бўлаяпти. Бу йил дон ҳосилдорлиги бўлтургига қараганда икки бараварга ошди. Ал-Бухорий номли ширкат хўжалиги фермерликка ўтгач, 1810 тоннадан ортиқ дон тайёрланди. Чўлдаги фермерлар уюшмаларида 6160 тонналик ғалла хирмони яратилди. «Гардиён юлдузи», «Аму-2000», «Рустам Ражаб», «Неъмат Барно» каби фермер хўжаликларида ҳосилдан бўшаган майдонлар шудгорлаб қўйилди.

Ислоҳот фидойилари

Вужудидан ғайрат, қалбидан шиддат ёғилиб турган Мавжуда Шарипова қизилтепаликлар фахри. Бундан 30 йил муқаддам ўрта мактабни битирган қишлоқ қизига юксак ишонч билдириб, бригада етакчиси вазифаси топширилган эди. Қийинчиликларга қарамасдан, пахта, ғалла, пилла, сабзавот, полиз маҳсулотлари тайёрлаш режалари йилдан-йилга ошириб адо этилиб, раҳбарларнинг ёш етакчига ишончи ортди. 1999 йилдан бошлаб бригада далалари атрофидаги қўриқ ерларни ўзлаштиришга киришилди. Янтоқзор дашт текисланиб, 25 гектарида буғдой, 15 гектарида ғўза ўстирилди. Биринчилар қаторида фермерликка ўтган Мавжуда Шарипова жамоасида унумдор майдонлардан ташқари 125 гектарлик кенг яйлов ҳам бор. Икки гектарлик боғдаги сарҳил мевалар ҳиди димоққа хуш ёқади.

Мавжуда опа мукофотга берилган «Дамас» машинасини гуриллатиб, тонг оқармасдан чўлга жўнайди. Бағрикенг дала-даштлар қишлоқ аёли учун қадрдон, жону дили. Қалбида оташ орзулар жўш ураётган деҳқон фарзандининг бутун фикру хаёли бодроқдек оппоқ очилган ғўзаларда. Умр бўйи дашту биёбонларга боғланиб қолган опахон ўз оиласи, жондан азиз жамоаси аъзоларининг турмуш тарзи, яшаш шароитларини ҳам кўздан қочирмайди.

Яна бир фермер муваффақиятларини тилга олиб ўтиш ўринли. «Меҳнат роҳат» ширкати ҳудудида ташкил этилган «Зарафшон Ситора» фермер хўжалиги 43 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, йилни 12 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Олий маълумотли агроном, деҳқончилик илмининг билимдони Комил Қодиров раҳбарлик қилаётган қишлоқ зироатчилари пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 43 центнерга етказдилар. 13 гектарлик ғаллазордан ҳам юқори ҳосил етиштирилди. Шартнома режасидан ортиқ ишлаб чиқарилган 6 тонна дон фермер хўжалиги аъзоларига тарқатиб берилди.

Жамоада Комил аканинг оила аъзоларидан ташқари яна 8 нафар ҳамқишлоғи ишлайди. Зафар Қодиров, Назира Ҳусенова, Мустафо Сатторов, Анвар Ҳайдаров, Зуҳра Очилова каби деҳқонлар меҳнат аҳлига яратиб берилган қулайликлар ва кўрсатилаётган ғамхўрликдан мамнун. Ишчиларга буғдой ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бериб борилаяпти.

Меҳнатдан бахт топган Раъно Валиева, Мавжуда Шарипова ва Комил Қодиров сингари қалбидарё, меҳри дунё фермерлар жамоаларининг меҳнат фаолияти қизилтепаликлар учун тажриба мактаби бўлиб хизмат қилаяпти.

**И.ИСОМИДДИНОВ**



Халқ ҳунармандчилигининг юксаклиги ҳам аслида миллат анъаналарининг нечоғлик чуқур илдиз отганлигидан далолатдир. Касбилик кулол Азамат Аминов ўн беш йилки ота мерос касбни эъзозлаб келаётир. Йигирма турдаги маҳсулотлар ўзининг пишиқ-пухталиги, бежиримлиги билан барчани ўзига жалб этмоқда.

***Суратда: кулол Азамат Аминов ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.***

**Ш.СУЛТОНОВ олган сурат**


# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**Давлат мулки қўмитасининг ваколатли агенти «Давинком» давлат инвестиция фирмаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига қуйидаги объектлар ва улушлар қўйилаётганлигини маълум қиламиз.**

**Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан бошланғич баҳоси 3-синф бўйича босқичма-босқич пасайиш механизми қўлланилиб келаётган "Ўзнефтмаҳсулот" АКга қарашли қуйидаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари (АЁҚШлар) ва контейнерли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари (КАЁҚШлар) бошланғич баҳоси пасайиш механизми синфи ўзгараётганлигини маълум қиламиз.**

2005 йил 29 августдан 1-синф бўйича, яъни ҳар 5 савдо сессиясида бошланғич баҳосининг 5 фоизи миқдорида пасайиш механизми давом эттириладиган АЁҚШ ва КАЁҚШлар

1. Навоий вилояти, Томди туманидаги 4-КАЁҚШ. **Бошланғич баҳоси—13664 АҚШ доллари. Пасайган баҳоси—12980,8 АҚШ доллари.**
2. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги 18-АЁҚШ. **Бошланғич баҳоси—27835,6 АҚШ доллари. Пасайган баҳоси—16701,36 АҚШ доллари.**
3. Сурхондарё вилояти, Узун туманидаги 24-АЁҚШ. **Бошланғич баҳоси—14138,2 АҚШ доллари. Пасайган баҳоси—8482,92 АҚШ доллари.**
4. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманидаги 54-КАЁҚШ. **Бошланғич баҳоси—37355 АҚШ доллари. Пасайган баҳоси—22413 АҚШ доллари.**
5. Тошкент вилояти, Оҳангарон туманидаги 67-КАЁҚШ. **Бошланғич баҳоси—39802 АҚШ доллари. Пасайган баҳоси—23881,2 АҚШ доллари.**

2005 йил 29 августдан 2-синф бўйича, яъни ҳар 10 савдо сессиясида бошланғич баҳосининг 5 фоизи миқдорида пасайиш механизми давом эттириладиган АЁҚШ.

1. Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги 39-КАЁҚШ. **Бошланғич баҳоси—51112 АҚШ доллари. Пасайган баҳоси—30667,2 АҚШ доллари.**
2. Сурхондарё вилояти, Музрабод туманидаги 27-АЁҚШ. **Бошланғич баҳоси—25969 АҚШ доллари. Пасайган баҳоси—15581,4 АҚШ доллари.**
3. Сурхондарё вилояти, Музрабод туманидаги 28-АЁҚШ мажмуаси. **Бошланғич баҳоси—816507 АҚШ доллари. Пасайган баҳоси—775681,65 АҚШ доллари.**

**Диққат!**

*Ушбу АЁҚШ ва КАЁҚШлар бўйича тўловлар АҚШ долларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов кунидаги курси бўйича миллий валюта-сўмда амалга оширилади.*

2005 йил 29 августдан ҳар савдо сессиясида Бошланғич баҳосининг 5 фоизи миқдорида пасайиш механизми қўлланиладиган МЧЖлардаги давлат улушлари.

1. Тошкент вилоятидаги "Чиноз киновидео" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—12668340 сўм.**
2. Тошкент вилоятидаги "Чирчиқ киновидео" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—21923120 сўм.**
3. Қорақалпоғистон Республикасидаги "Амударё киновидео" МЧЖнинг 15 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—9700500 сўм.**
4. Қорақалпоғистон Республикасидаги "Мўйноқ киновидео" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—4770980 сўм.**
5. Қорақалпоғистон Республикасидаги "Заман-И" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—3439540 сўм.**
6. Қорақалпоғистон Республикасидаги "2-сонли Чимбой босмахонаси" МЧЖнинг 26 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—7203890 сўм.**
7. Қорақалпоғистон Республикасидаги "Хўжайли босмахонаси" МЧЖнинг 26 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—9659810 сўм.**
8. Қорақалпоғистон Республикасидаги "7-сонли Қўнғирот босмахонаси" МЧЖнинг 26 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—4363400 сўм.**
9. Бухоро вилоятидаги "Баҳор-Бухораи кинотеатри" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—25339450 сўм.**
10. Бухоро вилоятидаги "Баҳор-Бухораи шариф кинотеатри" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—41423190 сўм.**
11. Бухоро вилоятидаги "Дўстлик кинотеатри" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—2108220 сўм.**
12. Наманган вилоятидаги "Осиё-МАХ" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—7002200 сўм.**
13. Тошкент шаҳридаги "Ўзмевасабзовотимпекс" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—31169700 сўм.**

2005 йил 29 августдан 1-синф бўйича, яъни ҳар 5 савдо сессиясида бошланғич баҳосининг 5 фоизи миқдорида пасайиш механизми қўлланиладиган улушлар.

1. Тошкент шаҳридаги "Пренос" МЧЖнинг 94,7 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—71384570 сўм.**
2. Тошкент шаҳридаги "Элтранстаъминот" МЧЖнинг 35,2 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—35667540 сўм.**
3. Фарғона вилоятидаги "Тошлоқ бош пиллахонаси" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—28756000 сўм.**
4. Тошкент вилоятидаги ТТМЗ "Мевасабзовот" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—69242160 сўм.**
5. Жиззах вилоятидаги "Жиззах вилоят пилла" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—27627300 сўм.**
6. Андижон вилоятидаги "Хўжаобод туман КМС" МЧЖнинг 55 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—100867370 сўм.**

2005 йил 29 августдан 2-синф бўйича, яъни ҳар 10 савдо сессиясида бошланғич баҳосининг 5 фоизи миқдорида пасайиш механизми қўлланиладиган улушлар.

1. Қорақалпоғистон Республикасидаги "Элликқалъа пилла" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—73590000 сўм.**
2. Қашқадарё вилоятидаги "Шаҳрисабз ёғ-пишлоқ" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—79356000 сўм.**
3. Тошкент вилоятидаги "Бекобод йўл" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—15815160 сўм.**

2005 йил 29 августдан 3-синф бўйича, яъни ҳар 15 савдо сессиясида бошланғич баҳосининг 5 фоизи миқдорида пасайиш механизми қўлланиладиган улушлар.

1. Қорақалпоғистон Республикасидаги "Жолши" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—10540540 сўм.**
2. Қорақалпоғистон Республикасидаги "Қорақалпоқжолтаъмийнилеу" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—9985770 сўм.**
3. Қорақалпоғистон Республикасидаги "Нукус абаданшилиги" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—12660850 сўм.**
4. Қорақалпоғистон Республикасидаги "2-сон Беруний босмахонаси" МЧЖнинг 26 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—6095870 сўм.**
5. Қорақалпоғистон Республикасидаги "Мангит пилла" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—118636000 сўм.**
6. Қорақалпоғистон Республикасидаги "Май" МЧЖнинг 28,75 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—24195500 сўм.**
7. Қорақалпоғистон Республикасидаги "Эталон" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси— 4520000 сўм.**
8. Фарғона вилоятидаги "Бешариқ парранда" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—148118150 сўм.**
9. Андижон вилоятидаги "Марҳамат КМК" МЧЖнинг 22,5 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—28570760 сўм.**
10. Андижон вилоятидаги "Эталон" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—18251770 сўм.**
11. Андижон вилоятидаги "Олтинкўл КМК" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—35638100 сўм.**
12. Бухоро вилоятидаги "Ғиждувон йўл қурилиш ва таъмирлаш" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—20100100 сўм.**
13. Навоий вилоятидаги "Навоий ободончилиги" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—10196580 сўм.**
14. Тошкент вилоятидаги "Зафар автотаъмир" (Ангрен ободончилиги) МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—28544000 сўм.**
15. Тошкент вилоятидаги "Қуйи Чирчиқ бош пиллахонаси" МЧЖнинг 24,99 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—25212400 сўм.**
16. Тошкент вилоятидаги "Ишонч-М" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси—83513500 сўм.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг.**

Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

*Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг объектлар жойлашган вилоят филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин.*

**Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора Қамиш 2/4 массиви, Махамад Ўразбоев кўчаси, 1 "А" уй.**

**Телефонлар: 399 80 26, 136 26 26. Факс: 136 06 17 www.rkmb.uz**

**Эслатма:** РКМБ электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб нархлар эркин шаклланади.

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ












***Барчани мамлакатимиз Мустақиллиги куни билан муборакбод этади. Ушбу фараҳли онларда хонадонингизга файз-баракот, бошлаган ҳар бир ишингиз хайрли бўлишини тилаб қолади.***



# БУХОРО ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ





*Меҳнатсевар ва фидокор халқимизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 14 йиллиги билан муборакбод этади.*





*Она юртимизни янада гуллаб-яшнатиш йўлидаги ишларингиз ҳамиша бароридан келсин!*















# ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

## БЕШУБҲАСИНИ ОЛ

Эркак кишининг жамоли тилидир.

***

Қўл остидагиларга яхши муомала қилиш хайрлиликдур. Бадхулқлик қўполликдур. Хотинга итоат қилишлик эса охири пушаймонликдур.

***

Ишни пухта қилмоқ эхтиёткорликдир.

***

Донолик 10 қисмдур: шундан 9 таси узлатда (кишилардан айриликда) ва биттаси жим туришликдадир.

***

Неъматга шукр қилишлик, унга миннатдор бўлмоқ унинг давомли бўлишини, йўқолмаслигини гаровидир.

***

Ҳалол ҳам аниқ-равшан ва ҳаром ҳам аниқ-равшан, шубҳалисини қўй, бешубҳасини ол.

***

Ҳаё фақат яхшилик келтиради.

***

Кам гаплик ва уятчанлик иймондан икки хислатдир. Айб сўзларни сўзлаш, беҳуда сўзлар билан вақтни ўтказиш мунофиқликдан икки хислатдир.

***

Яхшиларингиз хуш хулқ бўлиб, кишиларга ён берувчи, яъни атрофида яхши ҳаёт кечиришга имкон берувчи кишилардир. Ёмонларингиз маҳмадона, дилозор, кишиларни роҳатини бузувчи кишилардир.

***

Никоҳнинг яхшиси енгилидур, кам сарфидур.

***

Биродарни биродарга қилган ғойибона дуоси ижобатдур, қабулдур.

***

Хатга жавоб хати қайтариш ҳам саломга алик олгандек вожибдур.

**«ҲАДИС»ДАН**

### *Яқин ўтмиш лавҳалари*

***Тўқсон ёшдан ортиқ умр кўрган отам ўз даврининг ҳар уч – араб, лотин ва кирилл ўқув-ёзувини пухта эгаллаган инсон эди. Оддий бригада ҳисобчилигидан бошлаб, масъулиятли лавозимларгача ишлаган эса-да, рўза тутишни ва намоз ўқишни канда қилмаган. Уч бор колхоз раислигидан бўшаган бўлса, бу ҳар сафар намоз ўқишлиги туфайли содир бўлган экан.***

***Падари бузрукворимнинг «Ўктабр тўнтариши» ва унинг Фарғона водийси воқеалари билан боғлиқ айрим жиҳатлари бўйича айтиб берган ҳикоялари ҳамон эсимда.***

## КУТИЛМАГАН МЕҲМОНЛАР

– Йигитликка эндигина қадам босиб мўйлабимиз сабза уриб келаётган дамлар эди, - дея ҳикоя қилган эди отам. – Фрунзенинг Петров деган ёрдамчиси бошлиқ қўшин гуруҳи қишлоғимизга кириб келди. Қишлоғимизда кенгроқ ва озодароқ меҳмонхонамиз борлиги учун командирлар етакчилигидаги қирқ-эллик чоғли аскар бизнинг ҳовлига ўрнашди. Тушга яқин аввалига ўн беш-йигирма чоғли товуғимизни отиб шўрва пиширишди. Кун ботиш олдидан тилмоч эшигимизни тақиллатди:

– Хафа бўлмайсан, оқсоқол, - деди қўлидаги тамакисини тутатиб отамга қараб. – Айвондаги қўчқор командиримизга ёқиб қопти. Сўйиб палов дамларканмиз. Ўзинг тасарруфини қилиб берар экансан!

Отам ўрнидан туриб кетди.

– Ахир... ахир кузда манови ўғлимни уйламоқчиман. Шунга қўйни мўлжаллаб боқаётгандим.

Тилмоч елкасини қисди:

– Командирнинг гапини қайтариб бўлмайди.

Отам бу гап мазмунини яхши тушунди. Пичоғини қинидан суғуриб тилмоч оёғи остига ташлади.

– Билганларингни қилинглар. Мен ўз ризқимга пичоқ солмайман.

Чамаси орадан бир соатларча вақт ўтгач, ўша тилмоч кириб келди.

– Калла-почасини келтириб, оиланг билан ер экансан. Молхона ҳовлисида қолдирдик.

Отам бошини саракглатди:

– Командирингга айтиб қўй, биз ит теккан таомни емаймиз.

## АДОЛАТ ЎРНИГА ПУЛЕМЁТ

Бир сафар уйимизга меҳмонлар йиғилиб, коллективлаштириш қандай юз берганлиги ҳақида гап қўзғалди-ю, отам кулиб туриб шундай деди:

– Ўшанда йигирманчи йиллар ўрталари эди. Мен томорқамизда маккажўхорига сув қуяётган эдим. Кўча тарафдан шовқин-сурон эшитилиб қолди. Қўлимдаги кетмонни қолдиришни ҳам унутиб югуриб чиқдим. Қарасам, қирқ-эллик чоғли одам. Бирининг қўлида кетмон, иккинчисиникида ўроқ. Бошқасида калтак. Бири қўйиб бири:

– Колхоз керакмас, колхоз бўлмаймиз! - дея бақиришарди.

Оломоннинг сеҳри бўлади, деганлари рост, беихтиёр мен ҳам қўшилиб кетибман. Қўшни Олтиқўрғон, Абдубий, Сарой қишлоқдагилар ҳам қўшилиб ҳақиқий оломонга айландик. Тўғри пахта заводи дарвозасидан кириб бордик. У ерда ҳам роса бақиришдик. Сўнг, сал ўтмай, чарм камзул кийган 3-4 бошлиқ супа четига кўтарилишди.

– Бўласизлар! Бошқа йўл йўқ, - деди шунда уларнинг ичида энг новчаси, юлдузли бош кийим кийиб олган киши.

– Йўқ, бўлмаймиз! – баробар хитоб янгради.

Негадир чарм камзуллилар супадан тушиб кетишди.

– Бўлмайсизларми? – улардан бири яна пайдо бўлиб сўради.

– Бўлмаймиз!

Шу чоғ завод деворларига ўрнатилиб устига мато ташлаб қўйилган ва биз пайқамаган пулемётлар «тилга кирди». Ҳамма ерга қапишди.

– Колхоз бўлмайсизларми? - ҳалиги киши такрорлади.

Водийда коллективлаштириш шу тариқа амалга ошган экан.

## ОТ... МИНГАННИКИМИ?

Қирқинчи йиллар охири, ҳали мактабга қатнамасдим. Отам Марказий Фарғона чўлларига туташ колхозда раислик қилар эди. Биз ухлаб ётганимизда уйдан чиқиб кетиб, яна уйқуга ётганимизда ишдан қайтар эди. Бир гал тоби қочиб барвақтроқ қайтди. Ётган жойида акамни чақирди:

– Сен эрталаб отхонага бориб, қоровулдан сариқ қашқани олиб мин, мени айтди, десанг беради. Қишлоққа боргин (ўзимизнинг Шерқўрғон демоқчи), «Ўрикзор»даги ғўза жуда чанқаб қопти. Тўғри раисни топиб тайинла, отам жўнатди, дегин.

Эртасига акам шундай қилди.

Кейинроқ билсак, отам касал бўлган ўша куни вилоят марказида ўтказилган мажлисдан қайтаётиб бир маҳаллар ўзларига қарашли бўлган пайкалга кўзи тушиб қолган. У ердаги экин ҳолатини кўриб, чидай олмасдан акамни жўнатган экан.

Энди ўйлаб қарасам, падари бузрукворим ўшанда «от кимники, минганники» деган халқ мақолини унутган, олиб қўйилган бўлса-да, барибир ўша ердан кўнглини уза олмаган экан...

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ВЕЛОПОЙГА

***Тошкент вилоятида республикамизнинг энг сара спортчилари иштирокида велопойга мусобақалари бўлиб ўтмоқда.***

Чемпионатнинг Чирчиқ-Чимён йўли бўйлаб ўтказилган биринчи босқичда сирдарёлик Алексей Стирновга тенг келадиган рақиб топилмади. Бир неча марра чизиғига эга бўлган халқа йўлларидаги пойгада наманганлик Владимир Тижаев биринчиликни қўлга киритди. Жуфтлик мусобақаларида ҳам ғолиблар аниқланди. Ғолиблик шарафига Улуғбек Содиқов ва Фарғона вилояти вакили Филик Виновлар сазовор бўлишди. Мусобақа давом этмоқда.

**"Туркистон-пресс"**



Ш.СУЛТОНОВ олган сурат

## ГУРУНГ

***Чоллар гурунгида хотира чопар,***
***Чарчамас от солиб манзилма-манзил.***
***Тарих қатларидан нимадир топар,***
***Нимадандир яна чархланар ақл.***

***Карвон йўлларидан гарчанд йўқ нишон,***
***Асрлар қаърида яширин сирлар.***
***Умр барча учун нақ тахти равон,***
***Авлоддан авлодга меросдек ўтар.***

***Шукрким, бировдан камлигимиз йўқ,***
***Айланиб турибди тинсиз тегирмон.***
***Отимизга лойиқ эгар ҳам жабдуқ,***
***Ўзимизга бекмиз, ўзимизга хон.***

**Зайниддин РИХСИЕВ**

***Ирландиялик қул савдогари Джон Хоукинс деган шахс 1565 йилда Перудан Европага биринчи марта, картошка олиб келган эди. Шу сабаб бу ўсимлик ботаника фани оламида катта шов-шувга сабаб бўлди. Қул савдогаридан кейин денгизда сузувчи бошқа бир киши Перудан Англияга бу ғалати ўсимликдан бир нечтасини олиб келди. У қирол боғига экилиб, бир қанча вақт безаб турди.***

## СЕВИМЛИ НЕЪМАТ ТАРИХИДАН

У вақтларда тувакка экилган картошка кўчати туғилган кунга совға қилиб бериларди. Ҳатто Қирол Людовик XIV сайрга чиққанда кўкрагига картошка гули тақар, саройдаги хонимлар сочларига картошка гули тақиб олардилар.

Картошка илдизидаги доналар тўйимли ва мазали эканлиги фақат 1657 йилга келиб маълум бўлди. Аммо тузилиши ҳунук бўлгани учун кишилар дастурхонидан тезда ўрин ололмади. Картошканинг тўйимли озуқа эканлигини биринчи бўлиб XVIII аср ўрталарида француз иқтисодчи Парменте исботлаб берди. Шундан сўнг мутахассислар картошка таркибида жуда кўп фойдали моддалар борлигини исботладилар. Юз грам картошка киши танасига 96 калория беради. Пўсти тагида С витамини, минерал модда ва оқсил кўп. Шу сабабли уни пўсти билан қайнатиш тавсия этилади.

**А.АКБАРОВ**
**тайёрлади**

## КАМОЛИ НУРИ РАҲМАТ

### *Буюк аждодларимиз*

***Мардумизори қилиб бўлма Худони душмани,***
***Осмонга етса бошинг қилмағил мовумани,***
***То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сени.***

Машраб падари бузруквори Мулла Вали ва волидаи муҳтарамаси Биби Салимани шеърларида иззат-икром ва чуқур эҳтиром бирла тилга олади. Онасини "Муроду ду жаҳон, онам...", "икки жаҳоним онам" деб эъзозлайди.

Машраб наздида Оллоҳ онага шу қадар кўп меҳр-муҳаббат ато этганки, унинг меҳри замону маконларга сиғмайди. Она ўзи учун энг оғир дақиқаларда ҳам фарзандим дейди. Агар фарзанд учун жон бериш лозим бўлса, она иккиланмайди. Ҳолбуки, инсон учун ҳамма нарсадан ширини жондир. Онанинг фарзандга бўлган муносабатида Яратганнинг буюк илми ва ҳикмати бор. Она юрагини фарзандга аталган меҳру шафқат билан лиммо-лим қилиб қўйган.

Узоқ сафардан қайтганда шоир онаси вафот этганлигини билади. У қабр устида оҳ уриб йиғлаб, бўзлайди; муродимга етказгувчи сенинг дуойингдир. Ўз ташвишим билан бўлиб, сени кўп азобга қўйдим, сен менинг Каъбамсан. Бугун сени тавоф этишга изн бергин. Ё, Парвардигор! Бандағ Машраб гуноҳларини шу ғарибу нотавон онасининг дуоси шарофати билан авф этгин:

***Бу жаҳонда лаҳза ором топмадим бир дам тиниб,***
***Булбули бечораман, синди қанотим қайрилиб,***
***Бенаводурман бу ичра пару болим синиб,***
***Чун етим бўлдим букун қолдим онамдин айрилиб,***
***Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?***

Мутафаккир Машраб олға сурган ва бутун ҳаёти давомида жон куйдирган ахлоқий-тарбиявий ғоялар, олижаноб теран насиҳатомуз фикрлар ҳукм суриб келаётган айрим салбий иллатларни йўқотишда, ёшлар ахлоқи ва тарбиясини тузатишда ҳеч шубҳасиз ижобий аҳамиятга эгадир. Унинг тафаккур кучи ва бадиий маҳорат билан яратилган турфа образлари, юксак ғоялар ва ахлоқий қоидалар бугунги ва эртанги кун учун аҳамиятини йўқотмай хизмат этиши муқаррар.

Машраб ижтимоий-ахлоқий мероси, у қолдирган бетакрор шеърият ўзбек халқининг ўтмиш маънавий ҳаётининг ривожланишида алоҳида саҳифа очди. Машраб қолдирган юксак шеърият халқчиллиги билан башариятни бундан кейин ҳам ўзига ром қилажак.

У бундай юксак мақомга эришган бўлса ҳам, унинг барҳаёт исми ёнида "девона" сўзи қўшилиб келган, ҳатто баъзан унинг ҳаётномаси бир қатор шеърлари билан "Девонаи Машраб" номи билан нашр этилган. Фикримизча, бунинг сабаби бир томондан, унинг ўзи "девона" сўзини кўп ишлатиб, ўз номи билан ҳам уни кўп қўшиб ёзгани бўлса, иккинчи томондан, унинг дунё кезиб, қаландарона сафар қилиб, дарвишларча ҳаёт кечиргани ҳисобланади. Биз бу ҳақда таниқли олим, устод Ғайбулло Салом фикрига қўшиламиз. "Ҳамонки муборак, қутлуғ, сирли табаррук номига "девона", деган сифат тиркалган экан, унинг қалбида ва онг-шуурида, ҳақиқатан ҳам, тиниқ инсоний анбиёларга хос зукколик, фаришта ва малоикаларга хос нур, девларга хос битмас-туганмас куч-қувват мужассамдай кўринди менга".

Бобораҳим Машрабнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари таҳлил этилганда, унинг ота-онага бўлган муҳаббатини эътибордан қолдириб бўлмайди.

Машраб волид-ота, волида-онасини кажрафтор замона ва давр талотўплари боис ва юртидан чиқиб дунёни дарвишона кезганда ҳам бир дақиқа унутган эмас.

Шу ўринда Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро ўғли Бадиуззамонга ёзган мактубини эсга олиш жоиз: "Пайғамбаримиз алайҳиссалом буюрубтурларким, Тенгри таоло ризоси ато ризосига вобастадур ва Тенгри таоло ғазаби ато ғазабига вобастадур. Бас, киши ато ризосин ҳосил қилса, Тенгри таоло ризосин ҳам ҳосил қилмиш бўлғай ва ато ғазабига учраса, Тенгри ғазабига учрамиш бўлғай. Мундоқ бўлғондин сўнгра нечук киши ато ризосидин айру дам урғай ё қадам қўйғай... Тенгри таоло сени йўқдин бор қилмоққа восила улдур ва туфлиятдин шабоб синниғача парвариш бергучи ул, Адиб Аҳмад дебтурким:

***Атодин хато келса кўрма хато,***
***Савоб бил хато қилса доғи ато.***
***Атонинг хатосини билгил савоб,***
***Сени юз балодин қутқарғай Худо.***

Навоий отани фарзандга Тангри даражасида улуғлашни ўтинмоқда. Машраб-чи, Машраб фарзандни отанинг кўз нури, ёниб турган ва ёруғлик бергувчи шамга ўхшатади. Иймонли кишигина бойдур, - дейди мутафаккир. Отанинг лаънатига учраган фарзанд - Худонинг душманидир. Мовуман - манманлик қилмагин, бошинг аршга етса ҳам, дейди. Қуръон тиловати, тақвойи тоати, хайру саховати, минг бор зиёрати, тавбанинг қабул бўлмаслиги, ота розилигига боғлиқ дейди шоир:

***Эй кўзумнинг шамъию ҳам нури дийдим равшани,***
***Одамий иймонга етмай ҳеч вақт бўлмас ғани,***

(Боши ўтган сонда)

**Мўмин ҲОШИМХОНОВ,**
**Абдулла Қодирий номли Жиззах Давлат педагогика институти социология кафедраси мудири**

***Словакиянинг Ўзбекистондаги дипломатик-ваколатхонаси бошлиғи Петер Юзанинг республикамизда фаолият кўрсатаётганига беш йўл бўлди. Бу орада ҳар икки мамлакат ўртасида янада яқин ҳамкорлик алоқалари юзага келди.***

## СЛОВАК ДИПЛОМАНТИНИНГ КИТОБИ

Петер Юза республикамиз иқтисодий ва маданий ҳаёти билан ҳам яқиндан танишди.

Дипломант Словакияда моҳир сиёсатшунос-публицист сифатида танилиб, халқаро муносабатларга оид кўплаб мақолаларни эълон қилди.

Ушбу тўплам Ўзбекистонлик профессор Шодмонқул Пиримқулов билан ижодий ҳамкорликда яратилди. Мазкур очерк-публицистика жанридаги бу асар ўзбек тилида босмага тайёрланди. Ўзбекистондан олган бой таассуротлари эса навбатдаги нашрда ўз аксини топади. «Ўзбекистонда 1500 кун» деб номланган бу китоб эса славак тилида чоп этилади.

## КАТТА ТААССУРОТ БИЛАН

***Республикамиз пойтахти мактабларининг бир гуруҳ юқори синф ўқувчилари ёзги таътилни Россияда ўтказдилар.***

Улар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Россия маданият маркази йўлланмаси билан Россиянинг Подмосковье вилоятидаги «Московия» халқаро болалар мактаби оромгоҳида мароқли дам олдилар. Пойтахтлик ёшлар учун сўлим гўшаларга саёҳатлар уюштирилди. Турли учрашув ва спорт мусобақаларида қатнашдилар.

Катта таассурот билан шаҳримизга қайтган ўқувчилар янги орттирган дўстлари билан ўзаро ёзишмаларини йўлга қўйишади. Айни вақтда «Ёшлик таровати» деган видеофильмни яратиб, жойларда намойиш қилдилар.

**А.АЛИЕВ**

## НИМ ТАБАССУМ

Ўта ҳашаматли меҳмонхонанинг хўжайини мавсум якунларини сарҳисоб қиларкан хотинига деди:

— Азизим, янаги мавсумда айрим хоналарнинг нархини бироз туширмасак бўлмайдиганга ўхшайди.

— Нега энди?

— Меҳмонхонамизда камбағалроқ миллионерлар ҳам тўхтасин-да...

* * *

Меҳмонхонангизда битта хона неча пул туради?

— Ўн сўмлиги ҳам, ўн беш сўмлиги ҳам бор.

— Уларнинг нима фарқи бор?

— Ўн беш сўмлик хонада телевизорни бепул кўришингиз мумкин.

* * *

Меҳмонхонага энди жойлашаётган одам анкетани тўлдираётиб, ўрмалаб кетаётган суваракни кўриб қолади:

— Кечирасиз, - деб мурожаат қилди у меҳмонхона ходимига. — Мен жойлашган хоналаримда тез-тез сувакларга дуч келиб тураман, аммо мен жойлашадиган хонани олдиндан билмоқчи бўлиб ўрмалаб кетаётган суваракни биринчи кўришим.

* * *

Тутоқиб кетган дам олувчи меҳмонхона эгасига зорланяпти:

— Мен ижарага олган хонангизни роса мақтовдингиз. Ҳолбуки, томи тешик экан, чакка ўтяпти. Қачонгача давом этади бу ҳол?

— Қизиқ экансиз-у! Мен қаёқдан билай: Мен боржўғи меҳмонхонанинг эгасиман, об-ҳавони олдиндан айтиб берадиган институт эмасман.




А.ҲАКИМОВ чизган расм

* * *

Санаторий ошхонасида:

— Мен бир неча йилдан бери шу санаторийда дам оламан. Авваллари доимо шу овқатнинг ичида икки тўғрам гўшт бўларди. Нега ҳозир фақат бир тўғрам гўшт бор?

— Кечирасиз. Ошпазим янги. Ҳали бу гўштни икки бўлиб беришни ўргангани йўқ.

* * *

— Назаримда, дам олмасам бўлмайди, шекилли, - деди официантка кафе хўжайинига, - ранги-рўйимдан мазам қочган кўринади.

— Нега бундоқ деяпсиз?

— Қайтимини берсам, эркаклар санаб оладиган бўлиб қолишди.

* * *

— Бир килограм неча грамдан иборат?

— Етти юз-саккиз юз грам...

— Яхши. Эртадан бошлаб ошпаз сифатида иш бошлашингиз мумкин.

* * *

Талаба курортда ижарага олаётган уйининг бекасига манзур бўлиш учун хушомад оҳангида дебди:

— Ўтган йили кетаётганимда бекам йиғлаб қолган эди:

— Менда бунақа бўлмайди! Мен ижара ҳақини олдиндан олиб қўяман.

### *Биласизми?*

## КЕНГ ОММАЛАШГАН ХАЛҚ БАНКИ

Бундан 130 йил аввал Тошкентда дастлабки банк муассасаси ташкил топган эди. Россия банкининг бўлими сифатида иш бошлаган бу муассаса кўп ўтмай ўзининг омонат кассасига эга бўлди. 1890 йилга келиб эса бундай омонат кассалар Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон шаҳарларида ҳам очилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон халқ банки ҳукуматимизнинг молиявий агентлиги сифатида кенг кўламда фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон банк тизимининг йирик таркибига айланган «Халқ банки» ўзининг 14 та минтақавий, 199 та туман, шаҳар шўъбаларига эга. Шунингдек, унинг таркибида 179 та мини банклар ишлаб турибди.

У бир неча йилдирки, омонат банклари умумжаҳон институтининг тўлақонли аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бир неча нуфузли омонат кассалари жамғармалари билан алоқани йўлга қўйди.

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши жамоаси Марказий кенгашнинг меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси Эшназар Гаипназаровга опаси

**ХАТМИНИСО** аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 7765
Буюртма Г— 616
1 3456